

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги

Гулистон Давлат Университети

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

5141500 – «миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими» йўналиши талабаси

Холбоев Қобилжоннинг

«**Баркамол авлоднинг замонавий**

сифат ва фазилатлари»

мавзусида ёзган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири: ф.ф.н
С.Исмоилов _____

«_____» _____ 2012 й.

Илмий раҳбар “Миллий ғоя ва
фалсафа” кафедраси катта
ўқитувчиси _____

«_____» _____ 2012 й.

МУНДАРИЖА

Кириш.

I Боб. Миллий ғояда миллий кадриятларимиз номоён бўлиши.

1.1 Ёшлар маънавиятини шакллантиришда миллий ғоянинг ўрни.

1.2 Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг замонавий сифатлари.

II Боб Баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатлари.

2.1 Хар томонлама етук баркамол авлод миллат таянчи.

2.2 Таълим тугрисидаги конун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшлар маънавиятини шакллантириш омиллари.

2.3 Миллий ғоя ва миллий менталитетнинг баркамол авлод, замонавий сифат ва фазилатларини шакллантиришдаги аҳамияти.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган демократик, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодни шакллантириш, миллий кадриятларимизни тиклаш, уни умуминсоний кадриятлар билан муштарак равишда ривожлантириб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини танлади ҳамда унга изчиллик билан амал қилиб келмоқда.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, замонавий фан-техника ютуқлари билан қуролланган малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқдир.

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, - дейди И.А.Каримов,- қандай муаммони ечиш зарурати тугилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури турли даражадаги юқори малакали, рақабатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маънавий бой, эркин ижодий шахсни

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломо=да. Т., «Ўзбекистон», 1999, 18-бет.

шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия узлуксиз ва кўп қамровли жараён бўлиб, ўз ичига мактабгача таълим, умумий таълим, болаларга қўшимча таълим бериш, бошланғич касбий таълим, олий касбий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, қўшимча касбий таълимни қамраб олади.

«Юртимизда ҳар бир инсон учун, -дейди И.А.Каримов,- Ватан тушунчаси, авало, оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз»¹.

Маълумки, инсон оилада дунёга келади ва оилада камол топади. Фарзандни тарбиялаш биринчи навбатда ота-онанинг муҳим инсоний бурчидир. Ота билан она фарзанди учун айна вақтда тарбиячи ҳамдир. Уларнинг вазифаси фарзандларида одоб-ахлоқ асосларини шакллантиришдан иборат. Инсондаги энг яхши фазилатлар оиладан бошланади. Оилада бола қалбига сингдириладиган тарбия ҳар қандай ҳолатда ҳам, энг аввало, ижтимоий манфаатга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам, маънавиятнинг асоси бўлган оилани мустаҳкамлаш негизида моддий жиҳатидан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустақил оила бўлган адолатли жамиятни шакллантириш², миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий ғояларидан ҳисобланиши бежиз эмас, албатта.

¹ И.А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақил иродасига ишонаман. «Халқ сўзи», 2000 йил 10 июн.

² Ёша асар.

Баркамол авлод тарбияси – жамият тарақиёти, ватан равнақи йўлида муҳим аҳамият касб этиб, бу мақсадни амалга ошириш жамиятдаги ўар бир кишининг, шу жумладан, илм-фан соҳаси ва таълим-тарбия вакилларининг зиммасига маъсулият юклайди.

Ёшларимизнинг истиқлол ғоялари асосида маънавий етук комил инсон этиб тарбиялашда мактабнинг роли шакшубҳасиз каттадир. Мактаб ёшларга билим асосларини сингдиради. У боланинг илмий дунёқараши шаклланиши ва мустаҳкамланиши йўлида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Мактаб ёшлар учун нафақат билим маскани балки тарбия ўчоғи ҳамдир. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий уйғониш мафқураси, юксак фуқаролик, ўз халқига хизмат қилиш, инсон ҳуқуқи ва эркинлигига риоя этиш руҳида тарбиялаш мактабнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Мактаб ўқувчилари жамиятимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан, олдимизда турган муаммолардан хабардор бўлишлари даркор.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожини мактаб ўқувчиларига мўлжалланган махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратишни тақазо этмоқда, «...чунки, ҳозирги мактаб ўқувчиси ёки талабадан мана шу масалалар ҳақида фикр сўрасангиз, изчил, аниқ, атрофлича жавоб беришга, керак бўлса, ўз фикрини

исботлаб беришга қийналади. Ўйлайманки, бу олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир»¹.

Жамиятимиз қурилишида, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришда мутлақо янги-янги қадамлар қўйилмоқда, замон талабларига ҳамоҳанг туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Аммо «...мактаб ва ўқув юртларида болаларимизга, эртага бизнинг ўрнимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга даққи-юнусидан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермоқдамиз. Бундай ачинарли ҳолатларга барҳам бериш вақти келди»², - дейди И.А.Каримов.

Умумтаълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар мазкур масалани ҳал этишда муҳим босқич ҳисобланади.

Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши, жамият тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўп жиҳатдан олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам замонавий иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида малакали мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимни яратиш ҳозирги вақтда мамлакат тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг қабул қилиниш ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши мазкур масалани ижобий ҳал этишда қўл келмоқда. Миллий дастур кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг стратегик асоси бўлиб, турли даражадаги юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини

¹ И.А.Каримов. Донишманд ҳал=имизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «Хал= сызи» газетаси, 2000 йил 10 июн.

² Ёша жойда.

ривожлантиришга, маънавий бой, эркин, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантиришга қаратилган.

Фидойи халқимиз асрлардан бери орзиқиб кутган мустақилликни қўлга киритар экан, мамлакатни туб иқтисодий, ижтимоий ислоҳ қилишда миллий ғояга асосланган маънавий маърифий даражаларни шакллантириш уларга, асосан, комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос белгилорчи ўрни бор.

Адолатпарварлик ғояларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат тизими, фуқаролар жамияти қуриш, кучли давлатдан кучли фуқаролар жамиятига ўсиб ўтиш жараёнида барча фуқароларда, ёшларда эркин фуқаро, озод шахс ва баркамол инсон маънавияти ва маърифатини шакллантириш ва такомиллаштириш воситалари, тамойиллари ва услубларини ишлаб чиқиб, амалий фаолиятда қўллаш-давр талабидир.

Маънавият ва маърифат тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар фалсафий маънода бир бутуннинг икки бўлагидир, баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг асосидир.

Маънавият-араб тилида «маънолар тўплами» деган мазмунни бериб, аслида «маъноли бўлиш» сўзларидан юзага келган фалсафий тушунча бўлиб, кундалик амалий фаолият жараёнида инсоннинг онги, тафаккури ва билимлар даражасини маъно, мантиқ ва мазмун билан бойитиб бориш демакдир.

Азалдан ўз онгги, ақли ва тафаккурини теран маъно, мантиқ ва мазмун билан бойитиб борган кишиларни бамаъни

ёки маъноли кишилар деб, юзаки тафаккурга эга бўлганларни эса маънисиз ёки маънавий қашшоқ кишилар деб атаганлар. Шунинг учун ҳам кишиларга баҳо берганда уларнинг бойлиги, ташқи кўриниши, кийиниши, мансабига қараб эмас, балки юқорида қайд этилган мезонлар орқали холисона баҳолаганлар.

Маънавият билан бевосита боғлиқ бўлган маърифат тушунчаси ҳам ўзининг узоқ ривожланиш тарихига эга бўлиб, у кишиларда дастлабки билимларнинг илм даражалари юзага келган даврларни ўз ичига олади. бу тушунча инсон юзага келиб, унинг тафаккури ўсиб, дунёқараши ривожлана бошлаган даврдан шу кунгача бўлган маърифий тараққиётнинг ўзида мужассамлаштиради.

Маърифат - арабча «арафа» - билмоқ деган сўздан юзага келган бўлиб, инсонда шаклланиб, ривожланиб, асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, кишилар тафаккурида сайқал топиб, жилоланиб, ҳаёт амалиёти тасдиғидан ўтган ғоялар, фикрлар, қарашлар, билимлар ва илмдан ирфон муштараклигининг юқори даражасидир.

Маънавиятнинг маълум даражаси билан қуролланган, уни амалий фаолиятида ўринли қўллай оладиган, ўзида етарли тафаккур ва илмий билиш даражасини шакллантириб, илмдан-ирфон, фан ва маданият, маънавий мерос дурдоналари билан уйғунлаштириб, сайқаллаштира оладиган инсонлар азалдан маърифатли инсонлар ёки маърифатпарварлар, ирфонли кишилар деб аталганлар. Маърифатли кишида маънавиятнинг ҳам етарли даражаси юзага келиб, уни жамият ва инсон учун манфаатли, хайрли ишларга йўллайди. Демак, маънавият ва маърифат ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, диний ва даҳрийлик

қарашлари билан узвий боғлиқликда бўлиб, уларнинг шаклланиши ва ривожланишида нисбатан белгиловчи ўринни эгаллайди.

Инсоннинг комилликка эришиши муаммоси ҳам бир неча асрлардан бери олимлар, фузалолар ва назаркардаларни, умуман, Шарқ халқларини қизиқтириб келган. Етарли комиллик даражасига эга бўлган инсонгина миллий ғоя, маънавият ва маърифат, маънавий мерос тушунчаларини чуқур ва қалбдан ҳис эта олади ва уларни амалиётда оғишмасдан қўллай олади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан бири – шу кун талабларига мос комил инсонни шакллантиришдир.

Баркамол инсон деганда ўз фикрий мустақиллигига эга, илмий, диний ва руҳий олам билимларининг ақлан мувофиқ ва қонунларимизни инкор этмасдан, балки уларни ривожлантира оладиган томонлари билан изчил қуролланган, маънавий, маърифий ва ахлоқий баркамол, ўз шахси билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган қалби пок, иймони бут, янгича тафаккурга эга бўлган инсонларни тушунмоқ лозим. Миллий ғоя, маънавият ва маърифатнинг етарли даражалари билан қуролланган инсонгина комилликка эриша олади ва ўзининг барча сайъ-ҳаракатларини ўз эли, халқи ва давлати равнақига беминнат йўналтира олади.

Мавзунинг долзарблиги, шундаки, Миллий истиклол гоёсининг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва унинг вазифалари, комил инсонни тарбиялашдаги ахамияти, утмиши улуг келажаги буюк Ўзбекистон ешларини тарбиялашдаги ахамиятини, авлод аждодларимиз

томонидан бизга мерос булиб колган бебахо маънавият сарчашмаларини чукуррок хис этиш улардан амалиётда фойдаланишнинг бугунги кундаги урнини очиш,бу сохада мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар,кадрлар тайёрлаш миллий дастури,таълим тугрисидаги конунларнинг асосий максадларини тахлил килиш,миллий гояни халкимиз онги ва калбида шакллантириш,айникса ёшларимизда ватанпарварлик ,инсонпарварлик,она ватанга садокат,миллий гурур,олийжаноблик фазилатларини шакллантиришда миллий гоянинг урнини, баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатлари моҳиятини ёритиб беришдан иборат.

Ишнинг мақсади:

Мен ўз битирув малакавий ишимни,баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатларини илмий асослайдиган,уларни ёритишга ёрдам берадиган манбалар асосида мактаб ўқувчилари учун ёрдамчи қўлланма тайёрлашни мақсад қилдим.

Ишнинг таркибий қисми: Битирув малакавий ишимни ёритишда бугунги кун талабидан келиб чиккан холда Миллий истиклолимиз тарихи, узбек миллатининг азалий орзуси мустакилликнинг олий неъмат эканлиги ва унинг заминида ётган миллий урф-одатларимиз,анъналаримиз , мавжуд қўлёзма ва тарихий маълумотларни қараб чиқиб, юртбошимиз И.Каримов асарларида баркамол авлод,уларнинг замонавий сифат ва фазилатлари тўғрисидаги фикрларини, улардаги фактларни умумлаштиришга киришдим:

-Асосий эътиборим вазифамни амалга ошириш учун миллатимиз тарихи, мустақиллиги учун кураши ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар ва унинг самарасини ёритишдан бошладим;

-Ишимни кириш қисмида масалани муаммоси, мақсади ва ечимига баҳо беришни лозим топдим.

Биринчи бобда. Баркамол инсон тушунчаси, шунингдек жаҳон маънавият-маданияти тарихи зарваракларида порлок юлдуз ҳисобланган Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий карашларида комиллик ҳақидаги фикрлари ҳамда миллий кадриятларимизнинг номоён булиши бугунги кун ёшларининг тарихий онгини шакллантириш давр талаби эканлигига эътиборни қаратдим.

Иккинчи бобда. Баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатларини илмий асослашга ҳаракат қилиб бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда чет тилларини узлаштиришнинг ахамиятига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларидан келиб чиққан ҳолда комил инсонни тарбиялаш масалаларини ёритишга ҳаракат қилиндим.

Ишнинг манбалари: Мазкур ишни ёзишда ГДУ Университети Тош. Миллий Университети кутубхоналари Сирдаё вилояти Маънавият ва маърифат маркази, Сирдарё вилояти кутубхонасидаги адабиётлардан фойдаланишга тўғри келди. Маълум соҳаларда ишни ёритишда Узбекситон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тугрисидаги қонун» Миллий истиклол гоёсини шакллантиришга оид И.Каримов фикрларидан

фойдаланишга ҳаракат қилдим. археологик манбаларга ҳам эътибор қаратдим. Бу мавзу янги мавзу булганлиги сабабли хали урганилмаган томонлари куплиги учун Президентимиз И.Каримов рисоалари ва асарларида кенг камровли ёритиб берилган.

Баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатларини тарбиялаш бугунги мустакил Узбекистоннинг асосий долзарб муаммоларидан бири экан авлод-аждодларимиз томонидан колдирилган бой маънавий мерос муҳим аҳамият касб этади.Мени ишимни айрим мавзулари мактаб амалиётида ўқувчиларга дарс жараёнида фойдаланишда қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда мазкур ишни ёритишда ўз маслаҳатлари билан доимо иштирокчи бўлишган “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси доцентлари Р.Ж.Махмудов, Ш.Юсупов, катта ўқитувчилар С.Исмоилов, Ш.Кенжаев, У.Мавлянов, Б.Ғофуровларга ўз миннатдорчилигимни изхор қиламан.

I Боб. Миллий ғояда миллий кадриятларимизнинг номоён бўлиши

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда маънавий камолот сарҳадларини тезлаштириш, тарбия ва таълим ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Маънавият инсониятнинг билими, тажрибаси, меҳнат малакаси, ахлоқ-одоби, имон-эътиқоди, мафкуравий қарашларининг яхлит тизимидир. Маънавиятсиз инсон ҳам, жамият ҳам бўлиши мумкин эмас. Республикамиз Президенти Ислам Каримов кўрсатиб ўтганидек, маънавиятнинг моҳияти шунчалик кенгки, уни ўлчаб ҳам, поёнига ҳам етиб бўлмайди. У- инсон учун бутун бир оламдир.

Маънавият инсоннинг туғма хусусияти эмас, у жамиятда, оилада, жамоатчилик ўртасида, таълим-тарбия натижасида шаклланади. Агар инсон тўғри тарбия топмаси, унинг фаолияти жамият учун фойдадан ҳоли бўлиши мумкин. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жихатидан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона, англанилган, ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги ва ҳамфикрлиги асосида ҳал этилади. Халқи маънавий жихатидан қашшоқ бўлган мамлакат ҳеч қачон буюк давлат даражасига кўтарила олмайди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов етук маънавиятнинг жамият тараққиётидаги, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдаги хал қилувчи аҳамиятини кўрсатиб, шундай деган эди: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир... Бу хазина инсонга

ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчалик бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди»¹.

Жамият маънавий камолотини тезлаштириш ҳозирги кунимиздаги энг муҳим вазифа бўлиб қолгани ҳам шу билан изоҳланади.

Ўзбекистон аста-секин бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги кунларда маънавиятнинг аҳамияти яна ҳам яққол намоён бўлмоқда. Европада бозор муносабатлари асосан иқтисодий тараққиёт қонунлари, ҳуқуқий мезонлари билан белгиланади. Бизнинг ўлкамизда эса маънавият азалдан бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган. Шарқона ахлоқий қадриятларда катта ўрин олган имон, инсоф, виждонийлик. Ҳалоллик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ўғрилиқдан нафратланиш, алдамчилик ва кўзбўямачилиқдан ҳазар қилиш, меҳр-мурувват, раҳм-шавқат, инсонпарварлик сингари маънавий омиллар бозор муносабатларига катта таъсир кўрсатган. Одамлар оғир иқтисодий аҳволда қолсалар ҳам бировни алдашга, ўғрилиқ ва кўзбўямачилиқ қилишга журъат этмаганлар, тижорат ишларида ҳадисларга, шариат ҳукмларига таяниб иш кўрганлар. Бу эса одамлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ҳалоллик ва адолатпарварлик бош мезон бўлиб қолишига сабаб бўлган.

Шарқона бозор фақат олди-сотди ишлари бўладиган жой эмас, балки миллий маънавият, қадриятлар барқарорлигини кўрсатувчи, миллий онг, ахлоқ ва одоб, диний эътиқодлар

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ыз исти=лол ва тара==иёт йили. Т., «Ўзбекистон», 1992, 70, 72-бетлар.

инсон онгига, унинг фаолиятига қанчалик сингганлигини кўрсатиб турувчи кўзгу ҳамдир. Агар бозор муносабатларида миллий ва исломий қадриятлар барқарор бўлмасин, катта салбий оқибатлар кучайиши мумкин.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда тарбия, таълим ишларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган. Тарбия таълим бериш жараёнининг барча маърифий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб ҳам, бир-бирига қарама-қарши қўйиб ҳам қараш мумкин эмас. чунки булар бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдиради. Буни биз мактаб, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари томонидан тўпланган тажрибадан яққол кўришимиз мумкин.

Одатда мактаб ўқувчилари ва талабалари билан таълим-тарбия икки босқичда юритилади. Ўқув жараёнида ва ўқувдан ташқари вақтда. Ўқув жараёнида ўқитувчи ҳар бир мавзу бўйича дарс ўтганида ўқувчиларга ўргатилаётган масалаларнинг илмий-назарий жиҳатлари билан кифояланмасдан, уларга кишиларнинг дунёқарши, маънавиятнинг шакллантиришдаги, жамиятимиз тараққиёти, аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳам ҳаракат қиладилар. Яъни ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчиларга ҳам таълим (билим), ҳам тарбия беради.

Шунингдек, ўқишдан ташқари пайтда ўқувчилар билан турли шаклларда ўтказиладиган маданий-маърифий ишлар

жараёнида тарбиячи ўз шогирдларига уларнинг илмий-амалий аҳамиятини очиб беришга интиладилар. Шу тариқа таълим-тарбия бир-бирини тўлдириб, мукаммаллашиб бораверади.

Умуман тарбиячи, миллий тарбия ҳақида сўз борганида бу тушунчанинг моҳиятини ҳам бироз аниқлаб олиш лозим. «Тарбия», «тарбият» сўзларининг асл маъноси арабчада, парвариш қилмоқ, таълим бермоқ, ўргатиш, одоб ўргатиш, меҳрибонлик кўрсатиш, ҳимоя қилиш сингари маъноларини англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукаммал тарбия бериш маънавий камолатнинг барча жабҳалари равнақи учун субъектив омил яратишдир. Ҳадисларда айтилганидек ота-онанинг ўз фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси-уларга ўргатган ахлоқи ва одобидир. Бинобарин ислом динида ҳам етук маънавият шахс ва жамият камолотининг ҳал қилувчи омили дейилади.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва одоби, имони ва виждони, билими ва малакаси, ҳатти-ҳаракати йўналишини тарих тажрибаси, давр талаблари ва эҳтиёжлари, истиқлол вазифалари билан уйғунлаштириб шакллантиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Ўз олдига инсон кучи, билими ва иродаси билан бажарилиши мумкин бўлган муайян мақсадларни қўйган давлатлар ҳам таълим-тарбия ишларига бефарқ қарамаган. Ҳар бир мамлакатда даврда амалга оширилган тарбия тизими негизида олдиндан белгиланган мақсадлар ётади. Шундай экан, тарбия, таълим ишларини муайян вазифалар билан боғлаб йўлга қўйиш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифасидир.

Миллий тарбия эса инсон шахсини шакллантиришда миллий-маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш, ҳар бир шахснинг маънавиятига ўзига хос миллий йўналиш беришга ҳаракат қилишдир. Тарбия кўрган кишилар умуминсоний қадриятларни қанчалик ўзлаштирмасинлар, улар ҳамма вақт муайян миллатнинг вакили бўлиб қолаверадилар. Миллатлар қанчалик яқинлашмасин уларнинг вакиллари ўз маънавий қиёфаси жиҳатидан тўла уйғунлашиб кетмайди. Зеро, миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган тарбиянинг ўзига хос миллий усуллари, мазмуни ва йўналиши ҳам такомиллашиб бораверади.

Ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда авлод-аждодларимиз ва халқимизнинг ўтмиш ахлоқий меросини, айниқса, улуғ мутафаккирларнинг илғор фикрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, ахлоқий қарашлари бугунги тараққиёт учун ҳам, ёш авлод камолоти учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг ҳаёт маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, ахлоқ ҳақидаги пурмаъно фикрлари ҳар бир ўқувчининг ахлоқий маданиятини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан олганда Ўрта Осиё мутафаккирларнинг ёш авлодни ахлоқий маданиятини шакллантиришга бағишланган асарларини ҳамда уларнинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ва кўрсатиб бериш муҳим касб аҳамият этади. Чунки Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ ҳақидаги фикрлари – ўғитлари шундай кучга эгаки, улар ўқувчилар қалбида инсонийлик уруғларининг унишига, катта ҳаёт

йўлига олиб чиқишга ёрдам беради, маънавий куч-қувват беради. Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликларини қилиш, уларнинг хурматини жойига қўйиш каби инсонийлик фазилатларини шакллантиради. Бу эса имонли, эътиқодли, ғурурли, одобли шахсни вояга етказишнинг асосий мақсадидир. Шу боис биз учун қадрли бўлган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари ва кадриятларидан, комил инсон ҳақидаги фикрларидан мустақил Ўзбекистон истиқболини мустаҳкамлашда, ёшлар ахлоқий маданиятини ҳамда миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда, кундалик турмушимизда кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг умумий таълим мактабларида, Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида халқимизнинг миллий кадриятларини, машҳур аллома ва мутафаккирларнинг ахлоқ-одобга доир ўғитларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шунини айтиш керакки, халқимиз ахлоқ-одобни қадимдан улуғлаб келган. Чунки одоб-ахлоқ инсонга хусн, латофат ва назокат бағишлаган, ҳурматга, меҳр, муҳаббат, оқибатга камол қўшган. Ўрта Осиё мутафаккирлари ўз асарларида ахлоқий гоёларни доимо тараннум этиб, халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга чорлаганлар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг ижоди диққатга сазовордир. Фаробийнинг ижодини чуқур ўрганиш ўқитувчиларнинг ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги олиб борадиган ишларига, ўқувчи ёшларда миллий истиқлол гоёсини шакллантиришда кенг имкониятлар яратади. Фаробий

комил инсон ахлоқи ҳақида гапирар экан, унинг хислатларини қуйидагича таърифлайди:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тарақий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрнинг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин. Фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳининг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишларидан юқори ва олжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликни жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарар деб билан нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин¹.

Фаробийнинг фикрича, инсоннинг ахлоқий, саҳоватли ва ақл-идрокли бўлишида билимларини эгаллаш муҳим аҳамиятга эга. Инсон билим орқалигина ўз мақсадига эриша олади. Фаробийнинг таъкидлашича, инсон меҳнатсиз яшай олмайди, шу билан бирга у доимо одамлар билан мулоқатда бўлиши, ҳунар эгаллаши лозим. Шундагина унинг интилиши, истаги, эҳтиёжлари амалга ошади. Фаробий инсоннинг ахлоқий маданиятли бўлишида, унинг ақл-заковатини ижодий ва бунёдкорлик кучини юксак баҳолайди. Унинг фикрича, ақл-идрок, меҳнат инсонни ижтимоий жиҳатидан

¹ Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шашри». Т., 1993, 186-187-бетлар.

фаоллаштиради. Фаробий ижодида инсоннинг бахт ҳақидаги таълимоти асосий ўринни эгаллайди. Абу Наср Фаробий «Инсоннинг вужудидаги мақсад-энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувини ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш, амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиш зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим»¹, деб таъкидлаган. Фаробий ахлоқий маданиятининг фазилатларидан ҳисобланган саҳоват масаласига алоҳида эътибор берган. У ўз замонасидаги адолатсизликларга бефарқ бўлмаган.

Буюк алломанинг таъкидлашича, кишилар, ўртасидаги ўзаро ёрдам, дўстона ва қардошлик муносабатлар, саҳоватли бўлиш, озодлик, бахт, роҳат-фароғат калитидир. Фаробий ҳар бир инсонни, кишиларни саҳоватли бўлишини орзу қилади ва уларга саҳоватсиз кишиларни қарама-қарши қўяди.

Саҳоватсиз кишилар ҳар қандай пасткашликка ва ярамас кирдикорларга қўл уришлари мумкин. Берунийнинг инсон ҳақидаги ғояларини ўрганиш бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ўқувчиларга тушунтириш унинг ҳикматларини ёд олдириш ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг асосий омилидир. Улуғ мутафаккирларнинг асарлари ҳақида тушунча ва маълумотга эга бўлиш ҳар бир шахснинг дунёқараши, онги, фикри, ҳис-туйғуси, ирода, фаолиятига ва ахлоқий маданиятига таъсир этади.

¹ Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шашри». Т., 1993, 189-бет

Беруний одамийлик ва мардлик ҳақида фикр юритиб, мард киши ҳақиқат учун курашиб, ҳеч қандай таъқиб ва хавф-хатарга қарамай, ёлғонга қарши курашиши лозимлигини уқтиради. Абу Райҳон Беруний «Жавоҳирот» китобида одамгарчилик масаласини қуйидагича таърифлайди:

«Одамгарчилик, яъни мурувват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиши билан чегараланидиган. Мардлик эса ундан ҳам устувор туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди. Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатга чидам берса, зикналик қилмасдан, бошқаларга берилмай, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади; у ўзининг мулойимлигига, иродасига, мустаҳкамлигига, камтарлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади».

«Одамгарчилик, яъни мурувват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиши билан чегараланади. Мардлик эса ундан ҳам устувор туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди. Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатга чидам берса, зикналик қилмасдан, бошқаларга берилмай, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади; у ўзининг мулойимлигига, иродасига, мустаҳкамлигига, камтарлиги билан танилиб, гурчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади».

Беруний саҳоватликни ҳам муҳим ахлоқий мезон деб белгилайди. Унинг фикрича, одам ҳамма вақт бошқаларнинг бахт-саодати ҳақида ўйлаши лозим. Мурувват инсонинг чинакам ахлоқий хислатларидан бири бўлиб, Берунийнинг фикрича бундай одамлар хайрихоҳ бўлади, бойлик орттиришга интирмайди, деҳқончилик, савдо-сотик, хунармандчилик каби ишлар билан шуғулланиб ҳалол меҳнат билан яшайди. Мурувватли киши мард бўлиб. Мол-мулкидан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмайди. Беруний саҳоват, раҳимдиллик сабр-тоқат, ахлоқийлик инсоннинг асосий хислатлари деб билар эди. Шу сабабли Берунийнинг ахлоқий қарашларида инсон асосий ўринни эгаллайди. Инсонни доимо комиллик даражасига эришишлиги ҳақида фикр юритади ва аксинча, Беруний зикналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйликни, айниқса кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятларига ва ахлоқий хислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг асарларида ахлоқ маданияти кенг ўрин эгаллаган. Аллома ақл ва адолат, бахт-саодат, фарованлик ҳақида гапириб, дўстлик, ҳалоллик, камтарлик, одиллик каби инсоний хислатларнинг шахс камолотида муҳим ўрин эгаллашини уқтирди. Мутафаккир «Қутадғу билиг» достонида ҳоким билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига эътибор беради. «Агар беклар табиатан эзга бўлсалар, барча фуқароси бойийди, олам гулистон бўлади» деб улар ўртасида эзгулик бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. У ахлоқи ва одоби тўғри бўлган кишинигина ўз мақсадига етишиши мумкинлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожиб илмни-

жамиятни тараққиёт ва гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб билади ва уни эгаллашга даъват этади. У ахлоқий муҳитни фақатгина илм-фан маърифат билан соғломлаштириш мумкинлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожиб билимни зулмат ичидаги нурафшон маъшалага ўхшатмади. Шунинг учун ҳам мутафаккир билим олишга, ҳамма яхшиликларнинг билимдан пайдо бўлишини, билим ёрдамида инсоннинг мартабаси ошиши, номининг машҳур бўлишига ёрдам беришни таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, оддийлик ва камтарлик юксак ахлоқ-одобли кишининг фазилатларидан биридир. Камтар киши юқори мартабага эришса, ҳам, бойлик орттирса ҳам оддий бўлиб қолиши зарур, чунки сен бугун давлат эгаси бўлсанг, эртага бойликдан маҳрум бўлиб қолишинг мумкин, агар сен бугун шон-шуҳрат топсанг, эртага улар ғойиб бўлиши мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида одамларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлишига алоҳида аҳамият беради. Одамийликнинг туб моҳияти азиз инсон зотини ҳурмат қилиш бахт-иқболи йўлида доимо фидокорлик кўрсатиш, боболаримизнинг ўтмишда жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган дурдона ҳиссаларини ўрганиш, мутафаккир ва атоқли кишиларнинг одамлар бихти ва иқболи ҳақидаги ғамхурлигини ўқувчиларга тушунтириш уларнинг ахлоқий онги ва тушунчасини шакллантиради.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё алломаларининг ижодида ахлоқий маданият мазмунан бой, шаклан ғоят ранг-барангдир. Туркистон халқи тарихида ахлоқий маданият таълимоти доимо ривожланиб, такомиллашиб борди. XVI-XX асрлар давомида унга салмоқли ҳисса қўшган Турди ва Машраб,

Гулханий ва Мунис, Хоразмий, Муқимий ва Фурқат, Аҳмад Дониш, Ҳамза Ҳакимзода, Аваз Ўтар ва бошқа қатор алломалар ҳақида ҳам кўп мулоҳазалар баён қилиш мумкин. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоби ҳақидаги фикрларини ўрганишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ахлоқий одоб маданиятидан ташқари халқимизнинг қадимий урф-одатлари, удумлари, аъаналари ҳам яхши ёритилган. Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида акс этган миллий урф-одатлар, аъаналар ва инсоний қадриятлар, асар қаҳромонларининг мардлик, тўғрилик, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик каби хислатларга эга бўлганлиги, бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маданиятининг шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбек мутафаккирларининг фозил шахс, комил инсон, ҳақидаги фикрлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари бугун ҳам ахлоқий маданиятни ривожлантиришда қамматли дастурдир. Модомики шундай экан, улардан таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳам ўқувчи ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1.1. Баркамол авлод маънавиятини шакллантиришда миллий ғоянинг ўрни.

Комил инсонни тарбиялашда она тили ва чет тилларни ўзлаштириш катта аҳамият касб этади. «Она тили, - дейди И.А. Каримов, - бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»¹. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи,

¹ И.А. Каримов. Донишманд хал=имизнинг мустацкам иродасига ишонаман. «Хал= сызи» газетаси, 2000 йил 10 июн.

она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шунинг учун ҳам «кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ўқув жараёнини бўлажак мутахассисларини давлат тили мақомига эга бўлган она тилини, шунингдек чет тилларини мукамал қайд қилганлиги бежиз эмас, албатта.

Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг ижтимоий. Иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир. Тил шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради, унда миллий фахр ифтихорини шакллантиради ва ривожлантиради. Бирон бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса, миллат ҳам бора-бора йўқолиб кетади. Тили яшаб турган халқнинг миллатнинг келажаги бўлади.

Шўро ҳокимияти ҳкумронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий ўлка халқлари, жумладан, ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўғаноқ бўлиш мақсадида қандай ишлар қилинганлигини, халқимиз ҳам, тарих ҳам қачон унутмайди. Шахсга сиғиниш йилларида миллатларнинг бир-бирига қўшилиб, ягона совет халқига айланиши ҳақида «назариялар» пайдо бўлди. «Миллий тиллар ҳам йўқолади, битта тил қолади» деб «башорат» қилинди.

1930 йиллардан бошлаб миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсати зўр бериб ҳаётга жорий этилади. Байналмиллалик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса, даҳшатлироқ тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди.

Ўзбек тилини бузиш ва айнитиш учун луғат таркибига русча байналмиллал сўзларини сунъий равишда тиқиштирила бошланди. Ўзбек тили учун унчалик мақбул, табиий бўлмаган, ўзбек тилига мутлақо ёндошмайдиган сўзларни, ибораларни кундалик ҳаётда, бадий, сиёсий адабиётлар, газета ва журналларда, ўзаро муомилада ишлатиш одат тўсига кирди.

Ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланиш кенгайиб бориш ўрнига аста-секин торайиб борди. Иш юритишда ундан фойдаланиш анчагина чекланиб қолди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, алоқа ташкилотларида ўзбек тилидан фойдаланишда қўпол хатоликларга йўл қўйилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, барча йиғилишлар, мажлислар ёзишмалар рус тилида олиб бориладиган, диссертациялар, китоблар, рисоалар, мақолалар, ариза, шикоят ва илтимосномалар шу тилда ёзиладиган бўлди. Ўзбек тили четга суриб ташланди, унинг мавқеи бениҳоя пасайиб кетди.

Эски, коммунистик мафкура юргизган миллий сиёсатнинг бирёқламалиги сабабли ўзбек тили иккинчи ўринда бўлиб қолди. Ўзбек тилига нисбатан олиб борилган бундай сиёсат халқимизнинг руҳига, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилдан араб алифбосидан лотин ёзувига ўтилди. орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маданий меросидан маҳрум бўлди. Тил миллатнинг миллат

қилиб турган энг муҳим белгиларидан биридир. У халқ маънавий ҳаётнинг асосидир. Бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг бўлмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса кишиларда миллий ғурур, орият. Фахр, ифтихор ҳам юксалмасдан қолади. тил ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишнинг энг муҳим воситасидир. Халқнинг бойлиги, ақл ва идроки ва тафаккури, тарихи ва маданияти, унинг тилида, ёзма ва оғзаки адабиётида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда тил халқнинг қалби, тану-жонидир.

Эски мустабид тузимда коммунистик мафкура юргизган «миллий сиёсат»нинг бир ёқламалиги сабабли ўзбек тилининг мавқеи пасайиб, паст ўринларга тушиб қолди. Тилга нисбатан қилинган бу беҳурматликдан жуда катта зарар кўрилди, бу нарса ўзбек халқининг кучли норозилигига ва ҳаққоний эътирозига сабаб бўлди. Ўзбек тилини астойидил муҳофаза қилиш, унга давлат тили мақомини бериш, бу тилни аслидагидай қилиб тиклаш ва тобора ривожлантириш ва шу тариқа уни жаҳондаги энг бой ва етук миллатлар тиллари даражасига кўтариш зарурияти туғилиб, етилиб қолган эди.

Аслида-ку, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши керакми, йўқми, деб тортишиб, мунозара қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, бу ниҳоятда табиий, қонуний бир жараёндир. Табиийлиги шундаки, ҳар бир республикада иш юритилиши унинг ҳудудида яшовчи, шу республикага ўз номини берган асосий халқ тили билан юритилиши лозим эди. Мадомики, тил маданияти миллат қилувчи асосий белгиларидан бири, миллатни бирлаштирувчи куч, миллий тараққиётнинг кўзгуси,

авлодларнинг авлодларига қолдирган олтин калити экан, ўзбек тилига давлат мақоми берилишига қандайдир фавқулодда ҳодиса деб қарамаслик керак эди.

Шу нарсани очиқ-ойдин айтишимиз керакки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши оппо-осон, сип-силлиқ бўлмади. Ўзбекистонда баҳслар, мунозаралар, тортишувлар узоқ давом этади. Кези келганда шунини алоҳида таъкидлашимиз керакки, ўз тилларини ҳимоя этиш ва қонуний мавқеини тиклаш учун бўлган курашда шоир ва ёзувчилар, олимлар, журналистлар ва муаллимлар, ҳуқуқшунослар, врачлар, инженер ва техниклар, ўй бекалари, халқ ноиблари, дала меҳнаткашлари, хулласкалом, жумҳуриятимиздаги кенг жамоатчилик фаол иштирок этишди. Уларнинг олдинги сафида шоир ва ёзувчилар, олимлар борди. Тил учун бўлган курашда ўзбек халқи ўзини кўрсатди. Энг муҳими бу курашда халқ уйғонди.

Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистонда Давлат тили тўғрисидаги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек халқининг, жумҳуриятимиздаги яшовчи бошқа халқларнинг маданий, маънавий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ғоят муҳим воқеадир.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақидаги тарихий қонун етмиш йилдан ортиқ совет даврида миллий тил масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун кенг имконият очиб берди. Она тилимизнинг обрў эътибори кўтарилди, уни оёққа тургазиш учун зарур бўлган

моддий шарт-шароитлар, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Қонунга биноан ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили, деб эълон қилинди. Бу халқимизни беҳад қувонтириб, дилни яйратиб юборди, миллий ғурурини кучайтирди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси Давлат тили деб. Қонун йўли билан белгилаб қўйилганлиги халқимиз учун чинакамига буюк ютуқ бўлди. Тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, бутун маънавий ҳаётимиз тазйиқ остига олинганлиги, диний, ахлоқий, миллий қадриятларимиз оёқ ости қилинганлигидан қанчалик азият чекканлигимизни ҳали унутган эмасмиз. Бундан келгуси насл-насабларимиз, неча-неча авлодларимиз ўзлари учун албатта, тегишли хулосалар чиқариб олажаклар.

Тил ҳақидаги Қонуннинг бутун руҳи, мазмуни ва моҳиятида ўзбек тилининг ижтимоий вазифаларини кенгайтириш ҳақидаги ғоялар устуворлик қилганлиги эътиборга сазовордир. Қонунга асосланиб яна шуни алоҳида таъкидлашга тўғри келадик. Ўзбек тили ва маданияти асосан Ўзбекистонда кенг ривожланиши, гуллаб яшнаши, ўз имкониятларини тўла намоён этиши мумкин. Ўзбекистон-ўзбек тили ва маданиятининг тараққиёт ўчоғидир. Худди шунингдек, бошқа миллий тиллар ва маданиятлар ҳам ўз тарихи жараёнида равнақ топиш имкониятига эга. Буни унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси ўзбек тили ва маданиятини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди. Бу ҳақда Қонунда айтиб

ўтилган. Ўзбек тилини қўлланиши соҳаларининг кенгайиши бошқа тилларни ривожланиш имкониятларини чекламайди. Бу нарса Қонуннинг бош қисмида алоҳида таъкидланган, бошқа кўпгина моддаларда яна бир бор қайд этилган. Масалан, унда Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар миллий, маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар, деб ёзилган.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг аксарият моддалари мазмуни ўзбек тилининг барча муомала соҳаларида қўлланилишига қаратилган. Унда Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади, деб қайд этилган. Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилиниб, мустақилликка эришганимизга қадар, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқа органлар фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар ўзбек тилида эмас, рус тилида олиб бориларди. Қонун, қарор ва бошқаларнинг ҳужжатлари шу тилда тайёрланарди, ўзбек тилига кейин таржима қилинарди. Бирорта одам, нима учун шундай, деб сурай олмасди. Ҳозир ана шундай мусибатли давр биз учун ўтмиш бўлиб қолди. Занжирбанд қилиб ташланган тилимиз истибдод кишанларидан қутулди, эркин бўлди.

Тил ҳақида қонун қабул қилиниши натижасида корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида олиб бориладиган нотариал ишлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳам турли шиходатномалар ўзбек тилида ёзиладиган бўлди.

Яқин-яқинларгача ҳам ана шу масалалар бўйича ўзбек тилига менсимасдан қараш одат тусига кириб қолганди. Республикамизда илмий ишларни ўзбек тилида тақдим этиш, химоя қилиш ва нашр қилиш ҳуқуқий таъминланганлиги, миллий кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлидаги энг катта ютуқлардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар, деворий хабарномалар, дарсликлар, ўқув қулланмаларининг асоана давлат тилида нашр этилиши, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари кўпинча ўзбек тилида олиб борилиши халқимизнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, миллий онгини ўстиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Миллий ғуруримизни ўстиришда тил ҳақидаги Қонуннинг Ўзбекистонда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимаёй ёки ҳурматсизлик билан қараш таъқиқланади, деган қатъий талаби муҳим аҳамият касб этади. Қонунда белгилаб қўйилганидек, айрим мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини билмасликларини рўқач қилиб, таклиф, ариза ва шикоятларини олишдан ёки кўриб чиқишдан бош тортишлари ман этилади, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбек тили бир неча йиллик тарихи давомида ҳеч қачон бугунги кундай ривожланиш имкониятига эга бўлган эмас. Унинг ривожланиши, бир томондан, ўз луғат фонди, ўзига хос имкониятлари ва миллий хусусиятлари, ўз тараққиёт қонунлари билан белгиланса, иккинчи томондан, бошқа халқларнинг тили ва маданияти билан узвий яқинлашиш, ўзаро бир-бирини бойитиш асосида таъминланмоқда. Бошқа

миллий тиллар сингари ўзбек тили ривожланишининг ҳам асосий йўлларида бири ўзаро яқинлашиш ва бир-бирини бойитишдир. Бу уларнинг ривожланиши учун янада кенгрок имкониятлар яратади. Миллий тилларнинг бир-бирини тўлдириш, бир-бири билан боғлануви ва бир-бирини бойитиши улар тараққиёти ва юксалишининг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбек тилини ўзбеклар билан азал-азалдан қондош бўлиб кетаётган Ўрта Осиёдаги қозоқ, қирғиз, туркман ва тожиклар жаҳондаги бошқа халқ ва миллатлар тиллари ва маданиятлари ютуқларидан баҳраманд бўлибгина қолмасдан, ўз навбатида уларнинг тиллари ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиб келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Кўриниб турганидек, Давлат тили ҳақидаги Қонун ўзбек тили ва маданиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қулай имкониятлар яратиб берди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги бошқа миллат ва миллий тил соҳиббалаининг Конституциямизда белгиланган ҳуқуқларини заррача камситмайди. Инсонга маълум бўлган миллий тилларнинг ҳар бири ўз тарихига эга бўлиб, тараққиётнинг кўпгина босқичларидан ўтган, ҳозирги даражасига эришган. Ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хислат ва фазилатлари бор. Ўзбек тили ҳам шундай тиллар жумласига киради. Ўзбек тили Ўрта Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир.

Ўзбек тили инсон фаолиятининг ҳамма соҳалари учун, энг мураккаб илмий тушунчаларини ва инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ифодалаш учун бой имкониятларга эга бўлган тиллардан биридир. Ўзбек тили ниҳоятда ўткир ва нафис бўлиб, бу тилда ҳар қандай илмий, фалсафий, тарихий,

иқтисодий, диний, ахлоқий, техникавий, табиий, бадий ва сиёсий фикрни тўлиқ ифодалаш мумкин. Ўзбек тили бу қадар қадимий ва етук, имкониятлари битмас-туганмас бўлмаганда, унда илмий, фалсафий, бадий тафаккурнинг бунчалик кўп ва жозибали дурдоналари яратилмас эди. Бунга буюк мутафаккирлар Алишер Навоийнинг ўзбек тилининг хазиналарини очиб, бу тилнинг ҳам бадий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой ва тўла имкониятларига эга эканлигини намоён қилиб, сўз санъаткорининг «Хазойин-ул маоний», «Хамса», «Маҳбуб-ул қулуб» каби ўлмас обидаларни, «Мажолис-ун нафоис», «Мезон-ул авзон» ва «Муҳокамат-ул луғатайн» сингари қимматли илмий асарларини ёзиб қолдирганлиги мисол бўлади.

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний она тили ҳақида мана бундай деганлар: «Ҳар бир мамлакатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, кейинчалик қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонун, бу алифбога айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун ва тил масалаларига алоқадор бошқа расмий ҳужжатларнинг эълон қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши ўзбек тилининг ҳаётбахш қудратини янада оширади. Янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда 1989 йили қабул қилинган қонундаги айрим камчиликларни бартараф этилиши билан бир қаторда Давлат тили ва янги ўзбек алифбосини тўла жорий этишни 2005 йилда охирига етказиш белгиланган.

Профессор Н.Маҳмудов ёзганидек, «*Бугун давлат тили рутбасидаги ўзбек тилимиз мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши ўлароқ, амалга оширилаётган кўламли маънавий маърифий ислоҳатларга камарбасталикнинг ҳузурли таъмини тотиб, эркин такомил йўлидан бормоқда. Бу ойдин йўл қадимдан илдизи бақувват тилимизнинг замон ичра ҳаракатига бардавомлик бахш этмоғи тайин*»¹.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг асосий мақсадларидан бири шахсни ҳар томонлама камолоти учун барча имкониятларини яратиб беришдир. Бу эса авваламбор ҳозирги замон фани, техникаси ва маданиятининг ҳамма ютуқларини эгаллашни тақазо этади. Бу вазифани ҳал этишда фақат она тилининг ўзини билиш кифоя қилмайди. Дунёдаги бошқа халқлар ва миллатларнинг тилларини билиш ҳар бир шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун, жамиятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зарур омилга айланиб бормоқда.

Бошқа тилларни билиш ҳар бир маълумотли кишининг кўркидир. Ҳар бир тил миллатнинг тарихини, маънавий бойликларини, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва психологиясини янада чуқурроқ эгаллаб олиш учун хизмат қиладиган олтин калитдир. Тил билган тақдирдагина миллатнинг руҳини, унинг қимматини тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Ҳаётда биттагина тилни билган киши бир, икки тилни билган киши икки киши, уч тилни билган киши уч киши дейиш мумкин. Кўп тилни билиш ўзини маданий киши деб

¹ Н. Маҳмудов. Маърифат манзиллари. Т., «Маънавият», 1999, 54-бет.

ҳисоблашни орзу қиладиган ҳар бир хушфаҳм киши учун фарз. Инглиз, немис, француз ёки италян тилини билиш дунё маданияти хазинасига йўл очади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтди мактаблар ва олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус, инглиз, француз, немис, испан тиллари билан бир қаторда бизга қадимдан маданияти, дини, тарихи ва урф одатлари яқин бўлган Шарқ халқлари тилларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бу Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари дунёнинг бир неча миллиард аҳолиси яшайдиган мамлакатлар билан муносабатимизни яқинлаштириш ва яхшилашга сабаб бўлади.

Маълумки, чет тили- бу хорижий мамлакатлар тили. Олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактаб ўқув режаларида ғарб (инглиз, немис, испан, француз, рус) ёки Шарқ (араб, турк, форс, хитой, ҳинд) тиллари чет тил мақомини олган.

Хорижий тилларни ўрганишдан қандай мақсад кузатилади, деган табиий савол туғилади. Бунга оддийгина жавоб қайтариш мумкин: давлатлараро ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар мулоқот воситаси бўлмиш тил ёрдамида амалга оширилади. Демак, муайян мамлакат халқнинг тилини билиш орқалигина тегишли муносабатларни ўрнатиш имкониятига эга бўламиз. Бундан келиб чиқадики, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олиши учун хорижий тилларни пухта эгаллаш фуқаролар зиммасида турган муҳим вазифалардан саналади. Бошқача айтганда у ёки бу хорижий тилда мулоқот юрита олиш ўша тил соҳиблари билан дўстлик риштасини боғлаш йўлидаги бирламчи омилдир.

XX аср сўнгида юз берган улкан ўзгаришлар қаторида мустақиллик туфайли бозор иқтисодиётига ўтиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қайта кўриб чиқилишини тақозо этмоқда. Жумладан, таълим тизимини ҳам қайта қуриш, яъни замон талабига монанд дастурларни яратиш ва ишга тушириш бошланди. Шу аснода чет тилини ўрганишга даврнинг устувор масалаларидан деб қаралмоқда.

Жамиятда рўй бераётган маънавий юксалиш, инсоннинг ахлоқий, ғоявий, сиёсий камолоти мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий уйғониш жараёнлари билан узвий алоқадорликдадир. Инсоннинг маънавий ахлоқий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун моҳият жиҳатидан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади. Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шароитларидан бу сиёсий маданиятининг ўсиб боришидир. Агар ҳар бир миллат, ҳар бир инсонда юксак сиёсий, онг, сиёсий билим ва маданият, сиёсий зийраклик бўлмаса, мустақиллик барқарор бўлаолмайди.

Сиёсий маданият-ўзида ҳалоллик ва покликни, ишчанлик ва узоқни кўзлаб иш тута билиш фазилатларини мужассам этган одамларнинг ғоявий-сиёсий етуклиги, назарий билимлар, истиқболни ёрқин тасаввур этган ҳолда амалда қўллай билиш, кун тартибдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий муаммоларни кенг миқёсларда ҳал этиш маҳорати демакдир. Сиёсий маданият айтилганларидан ташқари инсондаги фаоллик ва ташаббускорликни, юксак ахлоқийлик, қатъий иродалик, хуш муаммолалилик, куч зийраклик, узоқни кўра билишилкни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллигимиз олдида турган муаммолар, миллий истиқлолимизнинг назарий масалаларни юзаки билишни, уларнинг туб моҳиятига тушунмаслик ва сўзда шунчалик айтишни сиёсий онглилик. Ҳам сиёсий маданият ҳам деб бўлмайди. Назарий билимлар мустақилликнинг амалий масалалари билан боғланиб, ҳар бир инсоннинг иймон эътиқодига айлангандагина қудратли маънавий кучга айланади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир каттаю-кичик инсон, меҳнаткашлар оммаси, ўсиб келаётган ёш авлод, мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини чуқур тушунишлари, ўзларини зиммаларига юкланган вазифани. Миллий истиқлолимиз муаммоларини бажаришига сафарбар эта билишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Юксак сиёсий билим ва маданият, иймон-эътиқодга эга бўлган инсон жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Маънавий баркамоллик ҳуқуқий онгни ҳам ўз ичига олади. Инсон жамиятда, муайян жамиятда яшар экан, унинг ахлоқий ва одоби шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан боғланмоғи керак. Инсондаги фаоллик у хоҳлаган ишни қила беришидан иборат эмас. фаоллий жамият қабул қилган қонун ва қоидалар чегарасида бўлмоғи керак. Жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунлар чегарасидан чиқиб кетган фаоллик бебошлиқдир, жамоат ва давлат манфаатларини менсимасликдир.

Етук, маънавий руҳий баркамол, миллатпарвар, халқпарвар кишилар, Ватани учун хизмат қилишни ўзи учун олий мақсад деб биладиган одамлар ўз шахсий мақсад ва манфатларини умумхалқ, давлат манфатларидан устун

қўймайди, бебошлик ва итоатсизлик, ижтимоий, сиёсий вазиятни кескинлаштиришнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб боради. Жамият қабул қилган қонунларни ҳурмат қилиш, унга асосланиб иш кўриш, ҳуқуқий қоидалар ва мезонларнинг бузилишига йўл қўймаслик маънавий камолот, ахлоқий поклик белгисидир. Инсонда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, унинг ҳуқуқий билими ва савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ўша қонунларнинг барча соҳаларида тўла ижро этилиши билан белгиланади.

Маънавий етук комил инсон миллат, Ватан учун қайғурадиган, миллий онгги ривожланган шахсдир. Миллий онг-миллий манфаатларни ўзида ифодалаган маънавиятдир. Миллий онг-миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. Миллий онг-миллий манфаатнинг чўққисидир. Миллий онг-миллий маданиятнинг миллий манфаати билан миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ муаммоларнинг инсон онггидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши анча мураккаб жааён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин, Миллий маданият миллий онгнинг асосий маънавий негизини ташкил этади. Миллий маданият қанчалик юксак бўлса, миллий онгнинг шаклланиши учун имкониятлар шу қадар кенг бўлади. Миллий маданият ва миллий онг айнан тенг эмас. Миллий маданият мазмун жиҳатидан анча кенг бўлиб, миллат-маънавий камолотининг барча томонларининг ўз ичига олади. Миллий онг эса, миллий маданиятнинг маълум маънавий камолотининг барча томонларини ўз ичига даврдаги ижтимоий онгда акс этган шаклидир. Миллий

маданиятнинг таркибий қисми бўлган миллий онг, ўз навбатида миллий маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Миллий онгнинг ривожланишини, миллий маданиятни тўлароқ тушунишга, унинг истиқболи билан боғлиқ бўлган, янги имкониятларни топишга имкон беради.

Агар халқларда юксак миллий онг бўлмаса, миллий манфаатларни англаш, ҳимоя қилиш қийинлашади. Миллий онгги етарли даражада ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда, ижтимоий иқтисодий, сиёсий тараққиёт жуда сустлашиб кетади.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллий тарихни холисона англашга, миллий тил ва маданиятни кадрлашга, миллий одоб, ахлоқ ва бошқа маънавий хислатларини сақлашга хизмат қилувчи томонлари-миллий онгнинг ўзагини ташкил этади.

Миллий онгимиз тўхтовсиз ўсиб бормаса, мустақиллигимиз мустаҳкам бўлмайди. Маънавий баркамол инсон ўзига лойиқ кўрмаган бирон бир ножўя ишни, ўзгаларга асло раво кўрмайди, ҳеч бир кишига жабру-зулумнихоҳламайди, жонли нарсаларга озор бермайди. Ақлидрок асосида ҳаракат қилади. Жабру-зулум ила бошқаларнинг дилига озор берган кишилардан нафратланади. Ватанига, халқи ва миллатига тўла содиқ, садоқатли бўлиш ҳам маданиятлик, маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Бировлардан кўрган мурувват ва яхшиликни унутмаслик ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлардан бўлиб ҳисобланади. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш энг катта

бурчимиздир. Яхшилик, дўстлик, биродарликни, қавму-қариндошликни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ бўлган кишилар, инсонлар учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирадилар. Айрим ҳолларда жисмонан соғлом, лекин маънавияти заиф бўлган ёшлар жиноятчилик йўлига ўтиб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

Инсоннинг маънавий камолотида жисмоний тарбиядан ташқари ақлий ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқий, виждоний, рухий тарбиянинг ҳам аҳамияти шак-шубҳасиздир.

Инсон ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик, хушмуомилалик ва хушхулқилик булар инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шакллари дир. Шарқона урф-одат ва маданиятда одамлар хушхулқли, ширин сўз, олижаноб бўлишига даъват этади. Одамлар халқимиз урф-одатларига қатъий амал қилиб, оилаларида, жамиятда муомилали, меҳрибон, олижаноб бўлсалар жуда катта олқишга сазовор бўладилар. Қуръони-Каримда Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қарата: ”Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар кўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, аллбатта (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар” дейди. (“Ол-и Имрон” сураси, 159-оят).

Инсонларнинг ҳуқуқий онг даражаси уларнинг фақатгина ҳуқуқларидан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишгина эмас, балки авваало қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёргарлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқини ва одил судловни ҳурмат қилиш билан белгиланади. Жамиятда

хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларини амалга ошириш мақсадида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камолатида юз беради. Маънавий камолот фақат ўтмишни тўла тушуниб олишгагина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборатдир, «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатидан етук одамлар, халқлар техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти, маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор ҳам маънавий фазилатлар тизимига киради. Маънавий баркамол, ахлоқ-одоби, виждони, имони, эътиқоди мустаҳкам бўлган кишиларгина ўз ватанини. Халқини севиш, уни ҳурмат қилиш имконига эга бўладилар. Шунинг учун ўзбеклар: «Инсон одоби билан гўзал», - дейдилар. Таълим-тарбия жамият тараққиёти учун муҳим замин бўлган инсон омилини шакллантириш билан боғлиқдир.

Абдулла Авлоний XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятда, тарбия ишларини яхшилаш, маънавиятни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини қайд қилган эди. «Тарбия, - деган эди Абдулла Авлоний, - бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва итисодий исти-болининг асосий тармо-лари. Т., «Ўзбекистон». 46-бет.

фалокат масаласидир». Ўша даврда ҳам таълим-тарбия масаласи миллий онгни ўстириш, миллат ўз қадр-қимматини англаб, мустақил тараққиёт йўлига интилишининг асосий омили сифатида талқин этилган.

1.2. Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг замонавий сифатлари.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг миллий заминларини мустаҳкамлашда ёш авлоднинг, бўлажак мутахассисларнинг тарихий онгини шакллантириш катта аҳамиятга молик. Минтақамиз жаҳон цивилизациясининг қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. У бой ва ўчмас маданий меросга эга. Мустақиллик шарофати туфайли ўз тарихимизни ўрганишга имконият юзага келди. Тарих ва Миллий истиқлол гоёси фанига янада эътибор кучайиб, бу фан ўзининг

уйғониш даврини бошлади. Ўтмишимизнинг одилона яратиш ва тиклаш ва борасидаги дастлабки амалий ишлар, дарсликлар яратишга киришилади. Лекин бу мавжуд ўқув қўлланмалар келажак авлоднинг тарихий дунёқарашини шакллантириш илмий салоҳиятига эга эмасэди. Холис ва ҳақиқат мезони асосида маҳаллий манбаларга таянилиб ёзиладиган тарихий адабиётларга эҳтиёж ва зарурат сезила бошлади. Юртбошимиз ўз асарларида ва нутқларида тарихимизнинг беқиёс ўрнини алоҳида ифтихор билан тилга олади. 1998 йил 26 июнда Республикамиз Президенти И.А. Каримов бир гуруҳ таниқли тарихчи олимлар, журналистлар ва оммавий ахборот воситаси вакиллари билан учрашиб, бу фан соҳасига тегишли бўлган ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни ўртага ташлади. Ушбу учрашув натижасида «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари дунёга келди. 1998 йил 27 июлда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши мазкур фанни ривожлантириш давлат аҳамиятидаги устувор вазифалардан бирига айланганлигидан далолат беради.

И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс. Ушбу асарда тарих ва миллий истиқлол ғояси фанининг ўзликни англашдаги роли таҳлил этиб берилган. Шунингдек, ўзбек давлатчилиги, унинг этник тарихи, унинг комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва шу каби масалалар ҳам ўзининг исботини топган. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарих миллатни, халқни порлоқ келажак сари бирлаштиради. Унинг куч-қудрати ҳам

шундадир. Миллат тарихи – муайян миллатнинг ўтмишини, унинг асрлар давомидаги истаклари ва орзу-умидларини намоён этади. Шу миллатнинг келажак тараққиёт йўлини белгилаб беради. Маълумки, ўзбек халқининг асрий орзуси – озодлик, эркинлик ва ҳурликка интилиши бўлган. Истиқлол шарофати орқали бу эзга мақсадлар рўёбга чиқди.

Ватан тарихида миллатимизнинг ўтмишигина эмас, балки унинг зарҳли варақларида халқ хотираси, аجدодлар тафаккури ва дунёқарашини, буюк маънавий мерос мужассамлашган. Бу миллатимиз борлиғи, ўзлиги ва тириклигидир. Шунинг учун қайси халқ ва миллат борки у ўз тарихини тиклашга. Кўз қорачиғидай асрашга уни бекамукўст келажак авлодага етказишга алоҳида эътибор билан қарайди. Юртбошимиз «миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, аввайлаб ҳимоялаш керак» лигини таъкидлайди»¹. Чунки миллат ўзлигини ва борлигини ўз тарихи билан намоён этади, у одилона ўрганилсагина ва яратилсагина миллатнинг маънавий дунёси янада бойиб боради. Танланган йўлидан оғишмайди.

Республика Президенти Ислам Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», дейди. Бугунги кунда ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилган, «Ўзликни англаш» ва «тарихни билиш» бу иккала тушунча бир-бирини тўлдиради ва ажралмасдир. Бу тушунчалар агар илмий таҳлил этилса, уларнинг замиридаги маъно-юзага чиқади. Яъни, ўзлигини англаган миллат олами танийди, дунёни ианийди ва жаҳон

¹ «Туркистон», 1992 йил, 2 феврал.

тараққиётидаги ўрнига эга бўлади. Тарих шу йўсинда миллатни ўзлигини англатади, келажакка ишонч уйғотади.

Ўтмиш тарихимизни одилона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг боиси шундаки кўҳна тарихимиз турли даврларда мустабид ҳукмрон мафкура-тазйиқига учради, уни асосан ўзгалар ўз нуқтаи-назаридан ёзишди. Шу тарзда тарихимиз сохталаштирилди. Ўтмишдан дарак берувчи нодир қўлёзмалар ўрганилмади. Уларнинг кўпчилиги мустабид тузум сиёсатининг қурбони бўлди ва талон-тарож этилди. Миллатимиз ўзининг ўтмишидан холис маълумот берувчи маҳаллий манбалардан фойдалана олмади. Шавқатсиз сиёсатнинг маънавиятга ва тарихга бундай ёндошув моҳиятини Президентимиз И.А. Каримов ўз асарида қуйидагича изоҳлаб берди. У шундай дейди: «Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбарлантиришга хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди»¹. Бундан аён бўладики, Шўролар даврида тарих фанига ҳам коммунистик мафкура талаблари асосида ёндошилди. Тарих ва Миллий истиқлол ғояси фанининг сиёсатга муте бўлиши унинг чекланишига ва воқеаларнинг сунъий тарзда баён этилишига олиб келди.

Шу боис ўзбек халқи ўзининг асл тарихидан баҳраманд бўла олмади. Ўз тарихини билмаслик гирдобига тортиш, уни ўрганишдан бебаҳра этиш орқали мустабид тузум миллатимизнинг ўзига қарам қилиб қўйишга интилди. Миллат тарихини ҳар томонлама ўқув муассасаларида ўрганиш

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йи=. Т., «Ўзбекистон», 1998, 4-бет.

мустабид тузум ғоялари ва мақсадлари асосида ташкил этилган эди.

Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарининг мазмун ва моҳияти ҳам айнан ҳаққоний тарихни қандай ўрганишни талаб этади. Шўро давридаги нашр этилган барча адабиётлар, дарсликлар олиб борилган илмий тадқиқот, ишлари миллатнинг ҳақиқий тарихини ёритишга қодир эмас эди. Сабаби улар миллий ғурурини шакллантира олмайди ва миллий виждонини уйғотишга қодир эмасдир. Ана шу талқинлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарихимизни тиклаш бу зарурат. Холисоналик ва ҳақиқат мезони асосида яратилган тарихгина миллат дардига дармон бўлади, миллатга уйғоқлик бахшида эта олади. Миллий маънавиятни бойитишда муҳим омилга айланади. Миллат ўзлигини, борлигини ва салоҳиятини ҳис этади ва нурафшон истиқбол сари илдамлаб боради.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аجدодларимизнинг илмий салоҳиятига, улар қолдирган бой тарихий, маънавий-маданий меросга ҳавас билангина эмас, балки ҳайрат билан қараймиз. Аждодларимиз босиб ўтган шонли йўли биз учун ибрат ва тарбия манбаидир. Тарихимизда ибрат оладиган жиҳатлар кўп. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва шу каби халқимизга хос фазилатлар бизга аждодларимиздан мерос қолган. Улар маърифатли жамият бино этиш ғояларини илгари сурибгина қолмай, шу билан бирга унинг амалий ифодаси учун ҳам фидойий бўлганлар. Маърифатнинг қадр-қимматини англаб етганлар. Маърифатни жамият тараққиётининг гарови сифатида талқин этганлар. Бу ғоя бебаҳодир. Ижобат топмаган ва орзулигича қолиб кетган

бу ғоялар мустақиллик ила ибрат тарзида яна жаранглай бошлади. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир» деб урғу берилиши жадиличлик ғояларининг ҳаётбахш эканлигини ифода этади.

«Маърифатпарварлик,- дейди Юртбошимиз, - биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимиздаги мақсадимизга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди»¹.

Шу фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, аждодларимиз маърифатли бўлганлар ва илм-фан бешигини тебратганлар. Туронзаминидан чиққан олиму-фузалолар, дунёга машҳур алломалар етишиб чиққан. Улар бизнинг фаҳримиз. Ўрта асрлар Уйғониш даври равнақи ҳам ана шу маърифатнинг куч-қудрати ҳосиласидир. Биз ана шундан ибрат олишимиз керак. Ўша пайтдаги маърифатпарварлик халқ маънавиятини тиклашга қаратилган эди. Маънавиятимизни тиклашда тарих муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Тарих-халқ маънавиятининг асосидир», дейилади. шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маънавият тарихдан озуқа олади ва бойиб боради. Аждодларимиз маънавиятининг дурдоналаридан бири бўлган «Авесто» да тарбия масаласига кенг ўрин берилган. Бу китоб Ватанимиз ҳудудида яшаб келаётган халқлар дунёнинг энг қадимий маданият ва маънавиятига эга халқлар эканлигини

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йы=. Т., «Ўзбекистон», 1998.

исботлайди. «Авесто» да шахснинг ахлоқий хислатлари, ҳақгўйлик ва адолатлилик улуғланади. «Авесто» да зардуштийлик учта таянчга асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидир. Бу ғоялар инсоннинг маънавияти юксаклиги ва тарбияланганлигини ўзида ифода этади. Бу ғоялар ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Демак, «Авесто» да маънавият масаласи устувор мавқега ва мақомга эга бўлган.

Тарихнинг ибрат ва тарбия манбаи эканлигини қуйидагича тарзда тавсифлаш мумкин. Бу фан миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда, шажарамиз улуғлиги ва поклигини билишда, халқимизнинг олижаноб, ҳурриятпарвар ва эркпарвар анъаналарини изчил ўрганиш ҳамда баркамол ҳақиқий инсонни тарбиялашда ўрни беқиёсдир. Шунинг учун «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қурооллантиришимиз зарур»¹ лиги таъкидланади. Чунки, ушбу фан-мустақил давлатимиз ҳаётида фаол қатнаша оладиган, идрокли ва қобилиятли, ўзининг тарахий илдизларини англашга қодир. Она-Ватанга ва халқига чексиз муҳаббат туйғулари билан тўлиб тошган авлодни комил топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва ҳарбий ватанпарварлик ғояларини шакллантириш қуроли, ибратли ҳаёт мактаби ва тарбия манбаидир. Тарих-Ватанга муҳаббат уйғотади. Ватанни севган, унинг дарди билан яшаган инсонгина ўз миллатини севади ва унинг учун қуйинади. Ана

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўли. Т., «Ўзбекистон», 1998. 24-25-бетлар.

шундай фазилатларни ёшларда камол топтиришнинг тарбиявий манбаи- бу аждодлар қолдирган буюк меросдир. Би билан халқимизни ва миллатимизни қуроллантириш зарурлигини Президентимиз асарларида қайта-қайта такрорланишининг боиси ҳам ана шундадир.

Тарих ва Миллий истиқлол ғояси комил инсонни тарбиялашда, унинг маънавиятини, шакллантиришда фанлар тизимида муҳим ўрин тутди. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси ҳисобланади. Комил инсон деганда биз, аввало, онгги юксак, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Тарих ёшлар маънавияти камолотида асосий таъсирчан куч ҳисобланади, ҳамда уларнинг халқимизга хос урф-одатлар, анъаналар ва миллий кадриятларнинг тараққиёти давомидаги такомиллашуви жараёнини ва уларнинг инсонпарварлик моҳиятини ангалашга кўмаклашади. Миллий кадриятлармиз ва анъаналар жамиятда одамлар ўртасида меҳр оқибатни ва аҳилликни таъминлашда ва қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тарихнинг улуғ мураббийлик ўрни шундаки, у ёшларда миллий виждонни уйғотади, аждодларимиз тараққиёт йўли тажрибаларини ўргатади. Бу фан ёшларда Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқатни қарор топтиради. Ёшларимиз ушбу фанни ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш жараёнида ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига кўшаётган муносиб ҳиссаси билан қонуний сифатда фахрланадилар. Шунини алоҳида айтиш керакки, тарих ҳар томонлама етук, баркамол ёшларни тарбиялашда чексиз имкониятга эгадир.

Баркамоллик учун керакли фазилатларни шакллантириш, куч салоҳиятини мазкур фанда етарлидир.

Республика Президенти И. А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ушбу фаннинг миллий маънавият равнақидаги ўрнига алоҳида эътибор бериб, ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Шу билан бирга истиқлол даври тарих илмининг долзарб масалалари ҳам кенг ёритиб берилди. Келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни яратиб беришимиз, уларга бой меросимиз юзасидан чуқур миллий назарий билимлар беришга қодир ўқув мажмуалар: дастур, қўлланма, дарслик яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Асарнинг қимматли жиҳати шундаки барча таълим тизимларида ўқитиладиган ижтимоий фанларни ўқитишнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилади. Айниқса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимларида таълим олаётган ўқувчи ёшларга «Тарих ва Миллий истиқлол ғояси фани» ни ўқитиш ва ўргатиш жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фанни ўргатиш жараёнида асарда илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, «Ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбек халқи этногенези» масалаларини кенгроқ ва мукамал тарзда ўқувчилар ёшига мос тарзда тушунтириб бориш ўринлидир.

Таълим тизимларида ўқитиладиган тарих фани қуйидаги илмий назарий асосларга таянилмоғи керак:

- Ўқувчи ёшларга чуқур тарихий билимлар бериш;
- Тарихни ўқитиш ва ўргатиш жараёнида илмийлик, холислик, ҳақиқатнинг устуворлиги бош йўналиш бўлиши;

- Ватан тарихи ўқувчи ёшларда асосий ғоялар-ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилалчилик каби фазилатларни камол топтириш;

- Тарих-Ватанга садоқат ва келажаги буюк давлат қуришга ишонч ва эътиқод уйғотиш ҳамда ёшларда ўз аجدодлари мероси билан ғурурланиш ҳис-туйғусини тарбиялаш керак.

Бўлажак ёш мутахассислар тарихий онггини шакллантиришдаги кўп асрлик ранг-баранг маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимиз синчклаб ўрганиш билан бир қаторда тарихий адабиётларни, халқимиз қаҳрамонларининг фаолиятини билиш катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Уларнинг ҳаёти, турмуши ва босиб ўтган йўли, фаолияти ҳозирги мустақилликни эндигина қўлга киритган халқ учун маънавий руҳ бағишлайди ва уни ҳимоя қилишида тарбиявий аҳамият касб этади. Бу хусусда Президентимиз И.А. Каримов: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маънавиятини, вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, дейди. Аждодларимиз хотирасини пок тутиш, уларнинг тарихий анъаналарига, васият ва ўғитларига, миллий қадриятларимизга, ахлоқий-маърифий қарашларига,

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ыз исти=лол ва тар==иёт йыли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 71-бет.

аждодларга қолдирган маданий меросига содиқлик ва шуларга амал қилиш демакдир.

II Боб. Баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатлари.

Баркамол авлодни тарбиялашда замонавий сифат ва фазилатларини шакллантиришда она тили ва чет тилларни ўзлаштириш катта аҳамият касб этади. «Она тили, - дейди И.А. Каримов, - бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган

ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»¹. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шунинг учун ҳам «кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ўқув жараёнини бўлажак мутахассисларини давлат тили мақомига эга бўлган она тилини, шунингдек чет тилларини мукамал қайд қилганлиги бежиз эмас, албатта.

Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг ижтимоий. Иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир. Тил шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради, унда миллий фаҳр ифтихорини шакллантиради ва ривожлантиради. Бирон бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса, миллат ҳам бора-бора йўқолиб кетади. Тили яшаб турган халқнинг миллатнинг келажаги бўлади.

Шўро ҳокимияти ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий ўлка халқлари, жумладан, ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўғаноқ бўлиш мақсадида қандай ишлар қилинганлигини, халқимиз ҳам, тарих ҳам қачон унутмайди. Шахсга сиғиниш йилларида миллатларнинг бир-бирига қўшилиб, ягона совет халқига айланиши ҳақида «назариялар» пайдо бўлди. «Миллий тиллар ҳам йўқолади, битта тил қолади» деб «башорат» қилинди.

1930 йиллардан бошлаб миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсати зўр бериб ҳаётга жорий этилади.

¹ И.А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 10 июн.

Байналмиллалик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса, даҳшатлироқ тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди. Ўзбек тилини бузиш ва айнитиш учун луғат таркибига русча байналмиллал сўзларини сунъий равишда тиқиштирила бошланди. Ўзбек тили учун унчалик мақбул, табиий бўлмаган, ўзбек тилига мутлақо ёндошмайдиган сўзларни, ибораларни кундалик ҳаётда, бадий, сиёсий адабиётлар, газета ва журналларда, ўзаро муомилада ишлатиш одат тўсига кирди.

Ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланиш кенгайиб бориш ўрнига аста-секин торайиб борди. Иш юритишда ундан фойдаланиш анчагина чекланиб қолди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, алоқа ташкилотларида ўзбек тилидан фойдаланишда қўпол хатоликларга йўл қўйилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, барча йиғилишлар, мажлислар ёзишмалар рус тилида олиб бориладиган, диссертациялар, китоблар, рисоалар, мақолалар, ариза, шикоят ва илтимосномалар шу тилда ёзиладиган бўлди. Ўзбек тили четга суриб ташланди, унинг мавқеи бениҳоя пасайиб кетди.

Эски, коммунистик мафкура юргизган миллий сиёсатнинг бирёқламалиги сабабли ўзбек тили иккинчи ўринда бўлиб қолди. Ўзбек тилига нисбатан олиб борилган бундай сиёсат халқимизнинг руҳига, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилдан араб

алифбосидан лотин ёзувига ўтилди. орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маданий меросидан маҳрум бўлди. Тил миллатнинг миллат қилиб турган энг муҳим белгиларидан биридир. У халқ маънавий ҳаётнинг асосидир. Бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг бўлмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса кишиларда миллий ғурур, орият. Фахр, ифтихор ҳам юксалмасдан қолади. тил ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишнинг энг муҳим воситасидир. Халқнинг бойлиги, ақл ва идроки ва тафаккури, тарихи ва маданияти, унинг тилида, ёзма ва оғзаки адабиётида ўз ифодасини топади. Ана шу маънода олганда тил халқнинг қалби, тану-жонидир.

Эски мустабид тузимда коммунистик мафкура юргизган «миллий сиёсат»нинг бир ёқламалиги сабабли ўзбек тилининг мавқеи пасайиб, паст ўринларга тушиб қолди. Тилга нисбатан қилинган бу беҳурматликдан жуда катта зарар кўрилди, бу нарса ўзбек халқининг кучли норозилигига ва ҳаққоний эътирозига сабаб бўлди. Ўзбек тилини астойидил муҳофаза қилиш, унга давлат тили мақомини бериш, бу тилни аслидагидай қилиб тиклаш ва тобора ривожлантириш ва шу тариқа уни жаҳондаги энг бой ва етук миллатлар тиллари даражасига кўтариш зарурияти туғилиб, етилиб қолган эди.

Аслида-ку, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши керакми, йўқми, деб тортишиб, мунозара қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, бу ниҳоятда табиий, қонуний бир жараёндир. Табиийлиги шундаки, ҳар бир республикада иш юритилиши

унинг ҳудудида яшовчи, шу республикага ўз номини берган асосий халқ тили билан юритилиши лозим эди. Мадомики, тил маданияти миллат қилувчи асосий белгиларидан бири, миллатни бирлаштирувчи куч, миллий тараққиётнинг кўзгуси, авлодларнинг авлодларига қолдирган олтин калити экан, ўзбек тилига давлат мақоми берилишига қандайдир фавқулодда ҳодиса деб қарамаслик керак эди.

Шу нарсани очиқ-ойдин айтишимиз керакки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши оппо-осон, сип-силлиқ бўлмади. Ўзбекистонда баҳслар, мунозаралар, тортишувлар узоқ давом этади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, ўз тилларини ҳимоя этиш ва қонуний мавқеини тиклаш учун бўлган курашда шоир ва ёзувчилар, олимлар, журналистлар ва муаллимлар, ҳуқуқшунослар, врачлар, инженер ва техниклар, ўй бекалари, халқ ноиблари, дала меҳнаткашлари, хулласкалом, жумҳуриятимиздаги кенг жамоатчилик фаол иштирок этишди. Уларнинг олдинги сафида шоир ва ёзувчилар, олимлар борди. Тил учун бўлган курашда ўзбек халқи ўзини кўрсатди. Энг муҳими бу курашда халқ уйғонди.

Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистонда Давлат тили тўғрисидаги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек халқининг, жумҳуриятимиздаги яшовчи бошқа халқларнинг маданий, маънавий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ғоят муҳим воқеадир.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақидаги тарихий қонун етмиш йилдан ортиқ совет даврида миллий тил

масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун кенг имконият очиб берди. Она тилимизнинг обрў эътибори кўтарилди, уни оёққа тургазиш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитлар, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Қонунга биноан ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили, деб эълон қилинди. Бу халқимизни беҳад қувонтириб, дилни яйратиб юборди, миллий ғурурини кучайтирди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси Давлат тили деб. Қонун йўли билан белгилаб қўйилганлиги халқимиз учун чинакамига буюк ютуқ бўлди. Тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз, бутун маънавий ҳаётимиз тазйиқ остига олинганлиги, диний, ахлоқий, миллий қадриятларимиз оёқ ости қилинганлигидан қанчалик азият чекканлигимизни ҳали унутган эмасмиз. Бундан келгуси насл-насабларимиз, неча-неча авлодларимиз ўзлари учун албатта, тегишли хулосалар чиқариб олажаклар.

Тил ҳақидаги Қонуннинг бутун руҳи, мазмуни ва моҳиятида ўзбек тилининг ижтимоий вазифаларини кенгайтириш ҳақидаги ғоялар устуворлик қилганлиги эътиборга сазовордир. Қонунга асосланиб яна шуни алоҳида таъкидлашга тўғри келадик. Ўзбек тили ва маданияти асосан Ўзбекистонда кенг ривожланиши, гуллаб яшнаши, ўз имкониятларини тўла намоён этиши мумкин. Ўзбекистон-ўзбек тили ва маданиятининг тараққиёт ўчоғидир. Худди шунингдек, бошқа миллий тиллар ва маданиятлар ҳам ўз тарихи жараёнида равнақ топиш имкониятига эга. Буни унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси ўзбек тили ва маданиятини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди. Бу ҳақда Қонунда айтиб ўтилган. Ўзбек тилини қўлланиши соҳаларининг кенгайиши бошқа тилларни ривожланиш имкониятларини чекламайди. Бу нарса Қонуннинг бош қисмида алоҳида таъкидланган, бошқа кўпгина моддаларда яна бир бор қайд этилган. Масалан, унда Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар миллий, маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар, деб ёзилган.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг аксарият моддалари мазмуни ўзбек тилининг барча муомала соҳаларида қўлланилишига қаратилган. Унда Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади, деб қайд этилган. Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилиниб, мустақилликка эришганимизга қадар, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқа органлар фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар ўзбек тилида эмас, рус тилида олиб бориларди. Қонун, қарор ва бошқаларнинг ҳужжатлари шу тилда тайёрланарди, ўзбек тилига кейин таржима қилинарди. Бирорта одам, нима учун шундай, деб сурай олмасди. Ҳозир ана шундай мусибатли давр биз учун ўтмиш бўлиб қолди. Занжирбанд қилиб ташланган тилимиз истибдод кишанларидан қутулди, эркин бўлди.

Тил ҳақида Қонун қабул қилиниши натижасида корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида олиб бориладиган нотариал ишлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳам турли шиходатномалар ўзбек тилида ёзиладиган бўлди. Яқин-яқинларгача ҳам ана шу масалалар бўйича ўзбек тилига менсимасдан қараш одат тусига кириб қолганди. Республикамизда илмий ишларни ўзбек тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр қилиш ҳуқуқий таъминланганлиги, миллий кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлидаги энг катта ютуқлардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар, деворий хабарномалар, дарсликлар, ўқув қулланмаларининг асоана давлат тилида нашр этилиши, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари кўпинча ўзбек тилида олиб борилиши халқимизнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, миллий онгини ўстиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Миллий ғуруримизни ўстиришда тил ҳақидаги Қонуннинг Ўзбекистонда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки ҳурматсизлик билан қараш таъқиқланади, деган қатъий талаби муҳим аҳамият касб этади. Қонунда белгилаб қўйилганидек, айрим мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини билмасликларини рўқач қилиб, таклиф, ариза ва шикоятларини олишдан ёки кўриб чиқишдан бош тортишлари ман этилади, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбек тили бир неча йиллик тарихи давомида ҳеч қачон бугунги кундай ривожланиш имкониятига эга бўлган эмас.

Унинг ривожланиши, бир томондан, ўз луғат фонди, ўзига хос имкониятлари ва миллий хусусиятлари, ўз тараққиёт қонунлари билан белгиланса, иккинчи томондан, бошқа халқларнинг тили ва маданияти билан узвий яқинлашиш, ўзаро бир-бирини бойитиш асосида таъминланмоқда. Бошқа миллий тиллар сингари ўзбек тили ривожланишининг ҳам асосий йўлларида бири ўзаро яқинлашиш ва бир-бирини бойитишдир. Бу уларнинг ривожланиши учун янада кенгрок имкониятлар яратади. Миллий тилларнинг бир-бирини тўлдириш, бир-бири билан боғлануви ва бир-бирини бойитиши улар тараққиёти ва юксалишининг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбек тилини ўзбеклар билан азал-азалдан қондош бўлиб кетаётган Ўрта Осиёдаги қозоқ, қирғиз, туркман ва тожиклар жаҳондаги бошқа халқ ва миллатлар тиллари ва маданиятлари ютуқларидан баҳраманд бўлибгина қолмасдан, ўз навбатида уларнинг тиллари ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиб келаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Кўришиб турганидек, Давлат тили ҳақидаги Қонун ўзбек тили ва маданиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қулай имкониятлар яратиб берди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги бошқа миллат ва миллий тил соҳиббалаининг Конституциямизда белгиланган ҳуқуқларини заррача камситмайди. Инсонга маълум бўлган миллий тилларнинг ҳар бири ўз тарихига эга бўлиб, тараққиётнинг кўпгина босқичларидан ўтган, ҳозирги даражасига эришган. Ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хислат ва фазилатлари бор. Ўзбек тили ҳам шундай тиллар жумласига киради. Ўзбек тили Ўрта Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир.

Ўзбек тили инсон фаолиятининг ҳамма соҳалари учун, энг мураккаб илмий тушунчаларини ва инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ифодалаш учун бой имкониятларга эга бўлган тиллардан биридир. Ўзбек тили ниҳоятда ўткир ва нафис бўлиб, бу тилда ҳар қандай илмий, фалсафий, тарихий, иқтисодий, диний, ахлоқий, техникавий, табиий, бадиий ва сиёсий фикрни тўлиқ ифодалаш мумкин. Ўзбек тили бу қадар қадимий ва етук, имкониятлари битмас-туганмас бўлмаганда, унда илмий, фалсафий, бадиий тафаккурнинг бунчалик кўп ва жозибали дурдоналари яратилмас эди. Бунга буюк мутафаккирлар Алишер Навоийнинг ўзбек тилининг хазиналарини очиб, бу тилнинг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой ва тўла имкониятларига эга эканлигини намоён қилиб, сўз санъаткорининг «Хазойин-ул маоний», «Хамса», «Маҳбуб-ул қулуб» каби ўлмас обидаларни, «Мажолис-ун нафоис», «Мезон-ул авзон» ва «Муҳокамат-ул луғатайн» сингари қимматли илмий асарларини ёзиб қолдирганлиги мисол бўлади.

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлониёна она тили ҳақида мана бундай деганлар: «Ҳар бир мамлакатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, кейинчалик қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонун, бу алифбога айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун ва тил масалаларига алоқадор бошқа расмий ҳужжатларнинг эълон қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши ўзбек тилининг ҳаётбахш қудратини янада

оширади. Янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда 1989 йили қабул қилинган қонундаги айрим камчиликларни бартараф этилиши билан бир қаторда Давлат тили ва янги ўзбек алифбосини тўла жорий этишни 2005 йилда охирга етказиш белгиланган.

Профессор Н.Маҳмудов ёзганидек, «бугун давлат тили рутбасидаги ўзбек тилимиз мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши ўлароқ, амалга оширилаётган кўламли маънавий маърифий ислоҳатларга камарбасталикнинг ҳузурли таъмини тотиб, эркин такомил йўлидан бормоқда. Бу ойдин йўл қадимдан илдизи бақувват тилимизнинг замон ичра ҳаракатига бардавомлик бахш этмоғи тайин»¹.

2.1. Ҳар томонлама етук баркамол авлод миллат таянчи.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг асосий мақсадларидан бири шахсни ҳар томонлама камолоти учун барча имкониятларини яратиб беришдир. Бу эса авваламбор ҳозирги замон фани, техникаси ва маданиятининг ҳамма ютуқларини эгаллашни тақазо этади. Бу вазифани ҳал этишда фақат она тилининг ўзини билиш кифоя қилмайди. Дунёдаги бошқа халқлар ва миллатларнинг тилларини билиш ҳар бир шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун, жамиятнинг ижтимоий ва маънавий тараққиёти учун зарур омилга айланиб бормоқда.

Бошқа тилларни билиш ҳар бир маълумотли кишининг кўркидир. Ҳар бир тил миллатнинг тарихини, маънавий

¹ Н. Маҳмудов. Маърифат манзиллари. Т., «Маънавият», 1999, 54-бет.

бойликларини, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва психологиясини янада чуқурроқ эгаллаб олиш учун хизмат қиладиган олтин калитдир. Тил билган тақдирдагина миллатнинг руҳини, унинг қимматини тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Ҳаётда биттагина тилни билган киши бир, икки тилни билган киши икки киши, уч тилни билган киши уч киши дейиш мумкин. Кўп тилни билиш ўзини маданий киши деб ҳисоблашни орзу қиладиган ҳар бир хушфаҳм киши учун фарз. Инглиз, немис, француз ёки италян тилини билиш дунё маданияти хазинасига йўл очади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтди мактаблар ва олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус, инглиз, француз, немис, испан тиллари билан бир қаторда бизга қадимдан маданияти, дини, тарихи ва урф одатлари яқин бўлган Шарқ халқлари тилларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бу Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари дунёнинг бир неча миллиард аҳолиси яшайдиган мамлакатлар билан муносабатимизни яқинлаштириш ва яхшилашга сабаб бўлади.

Маълумки, чет тили- бу хорижий мамлакатлар тили. Олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактаб ўқув режаларида Ғарб (инглиз, немис, испан, француз, рус) ёки Шарқ (араб, турк, форс, хитой, ҳинд) тиллари чет тил мақомини олган.

Хорижий тилларни ўрганишдан қандай мақсад кузатилади, деган табиий савол туғилади. Бунга оддийгина жавоб қайтариш мумкин: давлатлараро ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар мулоқот воситаси бўлмиш тил ёрдамида амалга оширилади. Демак, муайян мамлакат

халқнинг тилини билиш орқалигина тегишли муносабатларни ўрнатиш имкониятига эга бўламиз. Бундан келиб чиқадики, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олиши учун хорижий тилларни пухта эгаллаш фуқаролар зиммасида турган муҳим вазифалардан саналади. Бошқача айтганда у ёки бу хорижий тилда мулоқот юрита олиш ўша тил соҳиблари билан дўстлик риштасини боғлаш йўлидаги бирламчи омилдир.

XX аср сўнгида юз берган улкан ўзгаришлар қаторида мустақиллик туфайли бозор иқтисодиётига ўтиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қайта кўриб чиқилишини тақозо этмоқда. Жумладан, таълим тизимини ҳам қайта қуриш, яъни замон талабига монанд дастурларни яратиш ва ишга тушириш бошланди. Шу аснода чет тил ўрганишга даврнинг устувор масалаларидан деб қаралмоқда.

2.2. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» баркамол авлод маънавиятини шакллантириш омиллари.

Жамиятда рўй бераётган маънавий юксалиш, инсоннинг ахлоқий, ғоявий, сиёсий камолоти мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий уйғониш жараёнлари билан узвий алоқадорликдадир. Инсоннинг маънавий ахлоқий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун моҳият жиҳатидан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади. Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шароитларидан бу сиёсий маданиятининг ўсиб боришидир. Агар ҳар бир миллат, ҳар бир инсонда юксак сиёсий, онг, сиёсий билим ва маданият, сиёсий зийраклик бўлмаса, мустақиллик барқарор бўлаолмайди.

Сиёсий маданият-ўзида ҳалоллик ва покликни, ишчанлик ва узоқни кўзлаб иш тута билиш фазилатларини мужассам этган одамларнинг ғоявий-сиёсий етуқлиги, назарий билимлар, истиқболни ёрқин тасаввур этган ҳолда амалда қўллай билиш, кун тартибдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий муаммоларни кенг миқёсларда ҳал этиш маҳорати демакдир. Сиёсий маданият айтилганларидан ташқари инсондаги фаоллик ва ташаббускорликни, юксак ахлоқийлик, қатъий иродалик, хуш муаммолалилик, куч зийраклик, узоқни кўра билишилкни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллигимиз олдида турган муаммолар, миллий истиқлолимизнинг назарий масалаларни юзаки билишни, уларнинг туб моҳиятига тушунмаслик ва сўзда шунчалик айтишни сиёсий онглилик. Ҳам сиёсий маданият ҳам деб бўлмайди. Назарий билимлар мустақилликнинг амалий

масалалари билан боғланиб, ҳар бир инсоннинг иймон эътиқодига айлангандагина қудратли маънавий кучга айланади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир каттаю-кичик инсон, меҳнаткашлар оммаси, ўсиб келаётган ёш авлод, мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини чуқур тушунишлари, ўзларини зиммаларига юкланган вазифани. Миллий истиқлолимиз муаммоларини бажаришига сафарбар эта билишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Юксак сиёсий билим ва маданият, иймон-эътиқодга эга бўлган инсон жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Маънавий баркамоллик ҳуқуқий онгни ҳам ўз ичига олади. Инсон жамиятда, муайян жамиятда яшар экан, унинг ахлоқий ва одоби шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан боғланмоғи керак. Инсондаги фаоллик у хоҳлаган ишни қила беришидан иборат эмас. фаоллий жамият қабул қилган қонун ва қоидалар чегарасида бўлмоғи керак. Жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунлар чегарасидан чиқиб кетган фаоллик бебошлиқдир, жамоат ва давлат манфаатларини менсимасликдир.

Етук, маънавий руҳий баркамол, миллатпарвар, халқпарвар кишилар, Ватани учун хизмат қилишни ўзи учун олий мақсад деб биладиган одамлар ўз шахсий мақсад ва манфатларини умумхалқ, давлат манфатларидан устун қўймайди, бебошлиқ ва итоатсизлик, ижтимоий, сиёсий вазиятни кескинлаштиришнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб боради. Жамият қабул қилган қонунларни ҳурмат қилиш, унга асосланиб иш кўриш, ҳуқуқий қоидалар ва мезонларнинг бузилишига йўл қўймаслик маънавий

камолот, ахлоқий поклик белгисидир. Инсонда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, унинг ҳуқуқий билими ва савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ўша қонунларнинг барча соҳаларида тўла ижро этилиши билан белгиланади.

Маънавий етук комил инсон миллат, Ватан учун қайғурадиган, миллий онгги ривожланган шахсдир. Миллий онг-миллий манфаатларни ўзида ифодалаган маънавиятдир. Миллий онг-миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. Миллий онг-миллий манфаатнинг чўққисидир. Миллий онг-миллий маданиятнинг миллий манфаати билан миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ муаммоларнинг инсон онггидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши анча мураккаб жааён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин, Миллий маданият миллий онгнинг асосий маънавий негизини ташкил этади. Миллий маданият қанчалик юксак бўлса, миллий онгнинг шаклланиши учун имкониятлар шу қадар кенг бўлади. Миллий маданият ва миллий онг айнан тенг эмас. Миллий маданият мазмун жиҳатидан анча кенг бўлиб, миллат-маънавий камолотининг барча томонларининг ўз ичига олади. Миллий онг эса, миллий маданиятнинг маълум маънавий камолотининг барча томонларини ўз ичига даврдаги ижтимоий онгда акс этган шаклидир. Миллий маданиятнинг таркибий қисми бўлган миллий онг, ўз навбатида миллий маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Миллий онгнинг ривожланишини, миллий маданиятни тўлароқ тушунишга, унинг истиқболи билан боғлиқ бўлган, янги имкониятларни топишга имкон беради.

Агар халқларда юксак миллий онг бўлмаса, миллий манфаатларни англаш, ҳимоя қилиш қийинлашади. Миллий онгги етарли даражада ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда, ижтимоий иқтисодий, сиёсий тараққиёт жуда сустлашиб кетади.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллий тарихни холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадрлашга, миллий одоб, ахлоқ ва бошқа маънавий хислатларини сақлашга хизмат қилувчи томонлари-миллий онгнинг ўзагини ташкил этади.

Миллий онгимиз тўхтовсиз ўсиб бормаса, мустақиллигимиз мустаҳкам бўлмайди. Маънавий баркамол инсон ўзига лойиқ кўрмаган бирон бир ножўя ишни, ўзгаларга асло раво кўрмайди, ҳеч бир кишига жабру-зулумнихоҳламайди, жонли нарсаларга озор бермайди. Ақлидрок асосида ҳаракат қилади. Жабру-зулм ила бошқаларнинг дилига озор берган кишилардан нафратланади. Ватанига, халқи ва миллатига тўла содиқ, садоқатли бўлиш ҳам маданиятлик, маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Бировлардан кўрган мурувват ва яхшиликни унутмаслик ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлардан бўлиб ҳисобланади. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш энг катта бурчимиздир. Яхшилик, дўстлик, биродарликни, қавму-қариндошликни кучайтиради, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ бўлган кишилар, инсонлар учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирадилар. Айрим ҳолларда жисмонан соғлом, лекин

маънавияти заиф бўлган ёшлар жиноятчилик йўлига ўтиб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

Инсоннинг маънавий камолотида жисмоний тарбиядан ташқари ақлий ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқий, виждоний, рухийтарбиянинг ҳам аҳамияти шакшубҳасиздир.

Инсон ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик, хушмуомилалик ва хушҳулқлилик булар инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шакллари дир. Шарқона урфодат ва маданиятда одамлар хушҳулқли, ширин сўз, олижаноб бўлишига даъват этади. Одамлар халқимиз урфодатларига қатъий амал қилиб, оилаларида, жамиятда муомилали, меҳрибон, олижаноб бўлсалар жуда катта олқишга сазовор бўладилар. Қуръони-Каримда Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломга қарата: ”Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар кўпол, каттиқ дил бўлганингизда эди, аллбатта (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар” дейди. (“Ол-и Имрон” сураси, 159-оят).

Инсонларнинг ҳуқуқий онг даражаси уларнинг фақатгина ҳуқуқларидан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишгина эмас, балки авваало қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёргарлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқини ва одил судловни ҳурмат қилиш билан белгиланади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» вазифаларини амалга ошириш мақсадида бир қанча ишлар қилинмоқда

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камолатида юз беради. Маънавий камолот фақат ўтмишни тўла тушуниб олишгагина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборатдир, «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатидан етук одамлар, халқлар техникавий билим, мураккаб техналогияни эгаллаш қобилияти, маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор ҳам маънавий фазилатлар тизимига киради. Маънавий баркамол, ахлоқ-одоби, виждони, имони, эътиқоди мустаҳкам бўлган кишиларгина ўз ватанини. Халқини севиш, уни ҳурмат қилиш имконига эга бўладилар. Шунинг учун ўзбеклар: «Инсон одоби билан гўзал», - дейдилар. Таълим-тарбия жамият тараққиёти учун муҳим замин бўлган инсон омилини шакллантириш билан боғлиқдир.

Абдулла Авлоний XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятда, тарбия ишларини яхшилаш, маънавиятни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини қайд қилган эди. «Тарбия, -деган эди Абдулла Авлоний, - бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ўша даврда ҳам таълим-тарбия масаласи миллий онгни ўстириш, миллат ўз қадр-қимматини

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва итисодий исти-болининг асосий тармоқлари. Т., «Ўзбекистон». 46-бет.

англаб, мустақил тараққиёт йўлига интилишининг асосий омили сифатида талқин этилган.

2.3. Миллий гоё ва миллий менталитет .

Миллий менталитет тушунчаси кундалик ҳаётимизда сўнги йилларда кириб келаётган мураккаб сермаъно тушунчадир. Бу ҳодиса халқимизнинг маънавий тикланиши билан узвий боғлиқдир. Миллий менталитетнинг тарихий этнографик , ижтимоий психологик , социологик, фалсафий жиҳатлари ва даражаларини фарқлаш мумкин. Мустақил ҳаёт, миллий тикланиш жараёнида маънавий меросимиз, жамиятида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ақлий ва маънавий-марифий ислоҳатлар замирида халқимизнинг менталитети янгиланиб, бойиб бораётир. Бу жараённи илмий татқиқ қилиш фалсафа, психология ва тарих фанлари учун ҳам, ҳуқуқ ва қонунчилик учун ҳам, сиёсий ва мафкуравий амалиёт учун ҳам ўта муҳимдир. Миллий менталитетни турлича тушуниш, таърифлаш мумкин. “ Менталитет ” - лотинча сўз бўлиб, “ ақлий ”, “ маънавий ” - деган мазмунга эга. Умумий тарзда миллий менталитет айни миллатнинг яшаш тарзи, руҳиятининг ўзи хос хусусиятлари яхлит тизимидир. Миллий менталитет халқимизнинг кўп минг йиллик тарихимизнинг онгимиздаги, феълимиздаги муҳридир. У онгимиз, қалбимизга она сути билан бирга кирадиган, суяк-суякларимизга сингиб кетган дунёқарашимиз, иймон эътиқодимизга айланган урф одатларимиз, ахлоқий тамойилламиз, турмуш қонунларимизда намоён бўладиган ҳодисадир. Миллий менталитетимизни таҳлил қилишда унинг объектив ва субъектив илдизларига таяниб фикр юритмоқ лозим. Халқимизнинг менталитети, бир тамондан, унинг асосий тарихий хўжалик фаолияти деҳқончилик ва у билан боғлиқ жавоаб бўлиб яшаш ифодаси бўлса, иккинчи томондан, халқимиз бошдан кечирган ижтимоий тузимлар, ижтимоий муносабатлар хусусиятлари билан узвий

боғлиқдир.Шунингдек, миллий менталитетимизда халқимизнинг қадимий диний тасаввурлари, исломий эътиқоди ҳам мужассамлашган.

Халқимизнинг асрлар давомидаги асосий тирикчилик манбаи бўлган деҳқончилик, жамоа бўлиб яшаш миллий менталитетимизда юксак маънавий хислатларни шакллантирган бўлса, босиб ўтилган ижтимоий тузумлар куллик, феодал патриархал муносабатлар қатор салбий хусусиятларни юзага келтирган.

Ана шуларга таяниб, миллий менталитетимизга қуйидаги асосий жиҳатларни туркумлаш мумкин:

I. Фазилатлар:

- деҳқончилик ер,сувга,табиатга меҳр ;
- туғилган жойга боғланганлик,муқимлик ;
- аждодлар хотирасига садоқат ва ҳурмат ;
- қариндош – уруғчиликнинг мустаҳкамлиги ;
- инсоний бағрикенглик ,сахийлик,мурувватлилик ;
- жамоада оқсоқолларнинг баландлиги ;
- юксак маданият ;
- эркинлик,озодликни қадрлаш ;
- қонунга ҳурмат,унга амал қилиш.

II. Салбий хусусиятлар :

- патернализм – катта –кичик мансабдорларга сиғиниш ;
- фақирлик психологияси ;
- ижтимоий ноҳақликларга айрим шахс ҳулқидаги иллатларга нисбатан беҳад сабр тоқат ,сусткалик ;
- оилада,ижтимоий ҳаётда ўғил болалар, эркакларни устун қуйиш ;
- маҳаллийчилик ва бошқалар.

Миллий менталитетимизнинг юксак фазилатлари– миллий мафкурамизнинг асосий манбаларидан биридир.Шу сабабли улар ижтимоий гуманитар фанларнинг асосий мавзуларидан бири бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, уларнинг миллий ғоя нуқтаи назаридан баҳоланмоғи, мазмунан янада бойитилмоғи лозим. Айни вақтда, миллий менталитетимизнинг объектив шарт шароитлари билан боғлиқ иллатлар, уларни бартараф қилмоқ ишлари кенг йўлга қўйилган.

Бугунги кунда баркамол авлонинг замонавий сифат ва фазилатлари юқорила баён қилинган фикрлардан келиб чиқиб ,мустақиллик филларидан тубдан қайта ислоҳ қилинди. Бугунги кун ёшлари ўзларинг билимга бўлган интилиши, тиришқоқлиги билан замонавий сифат ва фазилатларни ўзида мужассамлаштирмоқда.

Хулоса

Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий–сиёсий жараёнлар кескин ўзгариб, ҳаётимиз янгича тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни акс эттирмоқда. Мана шундай шароитда, ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялаш, унинг онгига маънавий қадриятларнинг моддий бойликлардан устуворлиги ва соғлом жамият инсон ҳаётининг асосий мезони эканлигини уқтириш, ҳамда уларни ҳар томонлама камолотга йўналтириш, бугунги кун таълим соҳасининг масъулиятини оширади.

Ёш авлодни тарбиялаш, унинг тафаккурида муайян жамиятнинг муҳим манфаатларини шакллантириш жараёни ўз навбатида муайян тарихий даврни тақозо этади. Янгича дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни вояга етказишда таълим муҳим манба саналади. Инсон ижтимоий ҳаётининг мураккаб шаклларида бўлган таълим ва тарбия шахс шаклланишида назарий ва амалий аҳамиятга эга. Хусусан, мамлакатимизда мавжуд таълим тизмини янгича ислоҳ қилиш ва уни замонавий даражага кўтариш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини барпо этиш, баркамол, юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Миллий тарбия–инсон шахсини шакллантиришда миллий–маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш муҳим ўринга эга. Баркамол авлодни тарбиялаш жамиятимизнинг олий мақсадларидан бири бўлиб, маънавий етукликка, комилликка эришиш йўллари Марказий Осиё мутафаккирлари: ал-Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино , ал-Бухорий , ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, А.Навоий ва бошқаларнинг маънавий меросида кенг талқин қилинган.

Баркамол авлоднинг замонавий сифат ва фазилатларини илмий таҳлил қилар эканмиз, улардан қуйидагилари муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

1. Ватанпарварлик;
2. Инсонпарварлик ;
3. Ростгўйлик ;
4. Билимлилик ;
5. Ўзаро ҳурмат ва ўзаро ҳамжиҳатлик ;
6. Миллий қадриятларни эъзозлаш ;
7. Тенглик ва ҳамжиҳатлик ;
8. Ишонч ва тотувлик ;
9. Замон билан ҳамнафас бўлиш ;
- 10.Эркин фикрлаш ;
- 11.Бир бирини фикрларини эшитиш ва ҳурмат қилиш ;
- 12.Ҳорижий тилларни мукамал билиш ва эркин мулоқот олиб бориш ;
13. Ахборот – коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш ва ишлата билиш ;
- 14.Байналминаллик.

Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, ҳулқ-атвор нормалари, ахлоқ одоби билан бевосита алоқадордир. Баркамол авлод дунёқараши қирраларига биз қўйидагиларни киритишимиз мумкин: ота–онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бир бутун оила аъзоларига, қўни қўшилари, маҳалла кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқи фаровонлиги ҳақида қайғуриш; теварак атрофдаги инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керак бўлишга интилиш; одоб-ахлоқи, феъл-атворини яхшилашни инсоний бурч деб ҳисоблаш, ота-боболардан, аجدодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни кадрлаш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш, ватанпарварлик , халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муамалада ўрнатилган бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни

одат қилиш; умумхалқ маъқуллаган ва қабул қилган Конституцияни ҳурмат қилиш, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ва бошқалар.

Баркамол авлод дунёқараши қирралари фақат юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Уларни тиклаш, ўрганиш, илмий–фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш давримизнинг муҳим вазифаларидан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т., «Шарқ».1998 й.
2. И.А.Каримов.“Ватан –саждагоҳ каби муқаддасдир” .Тошкент.1996 й.
3. И,А.Каримов.“Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”.Тошкент.2005 й.
4. И.А.Каримов.“Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент.2008 й.
5. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Тошкент.2011 й.
6. И.Каримов. “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.” Тошкент.1999 й.
7. Б.К. Иминов. «Манфаатлар- сиёсат ва мафкура манбаи». Т., «Минҳож». 2002 й.
8. С.Отамуратов, С. Отамуратов. «Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш». Т., «Янги аср авлоди». 2003 й.
9. С. Ғуломов. «Куч-билим ва тафаккурда». Т., 2002 й.
10. С. Очил. «Мустақиллик маънавият ва тарбия асослари». Т., «Ўқитувчи». 1997 й.
11. Бунёдкор ғоялар. Т., «Ижод дунёси». 2002 й.

12. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., «Ўқитувчи». 1996 й.
13. Комиллик ўғитлари. Т., «Молия». 2003 й.
14. Миллий истиқлол ғояси. Т., «Янги аср авлоди». 2001 й.
15. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар. Т., «Академия» 2002 й.
16. Миллий истиқлол ғояси (асосий тушунча ва тамойиллари). Т., «Янги аср авлоди». 2001 й.